02
Е 74

Рисола "КУТУБХОНАШУНОСЛИК" кафедрасининг 1994 йил I июнда бўлиб ўтган мажлисида муҳокама қилинган ва нашр этишга тавсия этилган.

02(575.1)

ЕСИМОВ Т.Б. Ўзбекистонда кутубхонашунослик фанининг шаклланиши ва тараққиёти /Соҳани ривожлантиришда институт ўқитувчиларининг қўшган ҳиссаси А.Қодирий номидаги ТДМИ.- Т., 1994.- 74 б.

Муаллиф республикада кутубхонашунослик фанининг таркиб топиши, асосий боскичлари, ривожланиш хусусиятларини ёритар экан, бу жараёнда соҳанинг асосий илмий маркази бўлган ТДМИ махсус кафедралари ўқитувчиларининг ролини, улар яратган илмий- назарий асарларининг моҳиятини, фан тараққиётидаги аҳамиятини оммабоп шаклда ёритади.

Рисола кутубхонашунослик фанининг назарий ва амалий муаммолари билан қизиқувчи барча мутахассисларга ҳамда талабаларга мўлжалланган.

Тақризчилар: - ЙЎЛДОШЕВ Э.Й., педагогика фанлари номзоди, доцент.
- Маҳмудов М.Х., педагогика фанлари номзоди, доцент.

Маъсул муҳаррир: - М.И.РАСУЛОВ, педагогика фанлари номзоди.

Toshkent Axborot Texnologiyalari Universiteti
6/X-51
Axborot Resurs Markazi

2098468

02(575.1) Библиотековед

## МУКАДДИМА

Кутубхоналар, уларнинг жамиятда пайдо бўлиши, тарихи, иш хусусиятларини ўрганиш, жамиятдаги ўрнини белгилаш, уларнинг захирасини барпо қилиш жараёнида хилма-хил қарашлар ва билимлар мажмуаси вужудга келдики, у фанда "кутубхонашунослик" деб юритила бошланди. Жаҳонда биринчи марта бу тушунча XIX аср бошларида немис кутубхонашуноси М. Шреттингер томонидан унинг икки томлик "Кутубхонашунослик бўйича мукаммал раҳбарлик тажрибаси" асарида илмий муомалага киритилган эди. XIX аср охири XX аср бошларида кутубхонашунослик фан сифатида- назарий ва амалий қисмларга ажралган ҳолда шакллана борди. Биринчисига кутубхоналар тарихи, кутубхона статистикаси ва кутубхона қонунчилиги киритилиб, иккинчи қисми кутубхоналарнинг тузилиши ва унинг фаолияти ҳақидаги илм сифатида қаралди. Бундан кутубхонашуносликнинг назарий асослари фақат бошқа фанларга: тарихга, статистика ва ҳуқуқга суянган ҳолда ўрганилганлигини тушуниш мумкин.

Россияда "кутубхонашунослик" термини XIX аср ўрталаридан бошлаб кенг тарқалиб, XX аср бошларида жамиятда муҳим ўрин эгаллай бошлади. Жумладан, буржуа-демократик руҳдаги рус кутубхонашунослари кутубхоначилик ишини мактабдан ташқари таълимнинг муҳим тармоғи сифатида қараб, кутубхоналарнинг меҳнаткашлар мустақил таълими тизимидаги ўрни ва маданий-маърифий ролига юқори баҳо бердилар, уларнинг кенг аҳоли учун оммабоплиги тўғрисида қатор демократик фикрларни илгари сурдилар.

Асосан Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг шаклланиб, ривож топа бошлаган кутубхонашунослик фани ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ўзининг етуклик палласини бошдан кечирмоқда. Аммо бугунги кунда кутубхонашунослик фани жамият тараққиёти илгари сурган муаммоларни, истиқболли йўналишларни аниқлаш имкониятига эга эмас, сабаби, республика ҳаётининг барча жабҳаларида кетаётган туб ўзгаришлар кутубхоначилик ишининг кўплаб соҳаларини қайта кўриб чиқишни ва янгилашни талаб қилмоқда.

Шундай экан, Ўзбекистонда кутубхонашунослик фанининг шаклланиши, тараққиёти, асосий хусусиятлари, ютуқ ва камчиликларини

ўрганиш ҳам аниқлаш фаннинг бундан кейинги ривожига асос бўлади, унинг истиқболини тўғри белгилашга ёрдам беради.

Республикада кутубхонашунослик фани ривожланиши тарихи ва унинг асосий босқичларини ўрганиш зарурати яна шу билан белгиланадики, шу вақтга қадар бу муаммо бирор бир тадқиқотчи томонидан махсус ўрганилмаган, тадқиқот объекти сифатида ёритилмаган. Кутубхонашунослик фанининг айрим йўналишларининг тадқиқ қилиниши, чунончи, кутубхоналар ва кутубхоначилик иши тарихи, кутубхона каталоглари ва фондларининг айрим муаммолари, китобхонларга хизмат кўрсатиш ва уларнинг қизиқишини ўрганиш масалалари, кутубхона тармоқлари ва уларни ташкил қилиш, кутубхоналарнинг ташкилий ва услубий фаолияти, кутубхонашуносликнинг баъзи умумназарий масалалари ва ҳоказолар бундан мустасно. Агар 60-йилларнинг ўрталарида соҳа бўйича дастлабки номзодлик ишлари пайдо бўлган бўлса, 80- йиллар бошларида биринчи докторлик тадқиқотлар ҳимоя қилинди. Лекин ҳозирги кунгача ҳимоя қилинган I та докторлик, 8 та номзодлик ишининг 6 таси кутубхоналар, кутубхоначилик иши тарихига бағишланганлиги республикада илмий-тадқиқий ишлар мавзуларининг ҳали тор доирада олиб борилаётганлигидан далолат беради.

Шундай шароитда, Ўзбекистонда кутубхонашунослик фанининг таркиб топиши, шаклланиши ва тараққиётини ўрганар эканмиз, уни тўла даражада эмас, балки фан ривожланишига шу соҳанинг республика илмий марказларидан бири бўлган А.Қодирий номидаги ТДМИ махсус кафедралари ўқитувчиларининг қўшган ҳиссасини ёритишни мақсад этганмиз. Бу биринчидан, яқинлашаётган институт ташкил топишининг 20 йиллиги ва "Кутубхонашунослик" кафедрасининг 25-йиллиги муносабати билан унга кичик ижодий меҳнат совғасини тайёрлаш бўлса, иккинчидан, муаллифнинг кейинчалик бу тадқиқотни янада чуқурроқ ва атрофлича давом эттириш нияти борлигини билдиради.

Рисола ушбу муқаддимадан, тўртта боб, хулоса ва библиографиядан иборат бўлиб, ҳар бир боб фан ривожланишининг асосий босқичларига тўғри келади.

Тадқиқот мазкур муаммолар билан қизиқувчи барча мутахассислар ва талабаларга мўлжаллангандир. Рисола юзасидан билдирилган ҳар қандай фикр-мулоҳазаларга муаллиф фанни ривожлантиришга қўшилган ҳисса деб қарайди ва олдиндан ўз миннатдорчилигини билдиради.

Институт ташкил топишининг 20 йиллигига ва "Кутубхонашуносликлик" кафедрасининг 35 йиллигига бағишланади.

# I- боб. ЎЗБЕКИСТОНДА КУТУБХОНАШУНОСЛИК ФАНИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ (1918 – 1945 йиллар)

Ҳозирги мустақил Ўзбекистон тарихининг бурилиш нуқтаси ҳисобланган 1917 йилги октябрь инқилобидан кейин республикада кутубхонашунослик фанининг тараққиётини асосан тўрт босқичга бўлиш мумкин:

1. 1918– 1945 йиллар;
2. 1946– 1974 йиллар;
3. 1975–1990 йиллар;
4. 1991 йилдан кейинги давр.

Бундай даврларга бўлиш республикада фаннинг ривожланиш хусусиятларига, асосан соҳа бўйича эълон қилинган материалларнинг миқдорига боғлиқдир. Масалан, биринчи босқичда атиги 14 номда кутубхонашунослик масалаларига бағишланган мақолалар, китоблар нашр қилинган бўлса, 1976– 1987 йилларда биргина А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси томонидан чиқариладиган "Ўзбекистонда кутубхонашунослик" номли давомли нашр саҳифаларида кутубхонашуносликнинг турли жиҳатларига бағишланган 131 мақола эълон қилинган.

Республика кутубхонашунослик фани тараққиётига институт ва кафедра ўқитувчиларининг қўшган ҳиссасини ўрганар эканмиз, уларнинг фаолияти асосан иккинчи даврда бошланган бўлса-да, унинг барча босқичлари билан узвий боғлиқлигини кўрамиз. Шу сабабдан ҳар бир босқичда фаннинг умумий ривожланиш хусусиятларига тўхтаб ўтиш мавзуни тўлароқ англаб етишга ёрдам беради деб ҳисоблаймиз.

Кутубхонашунослик фани тараққиётининг биринчи босқичи 1918–1945 йиллар – асосан фаннинг шаклланиш давридир. Бу даврда

Туркистон республикасида ва Совет Ўзбекистонида кутубхоналар тармоғини барпо қилиш, кутубхоначилик ишининг ташкилий жиҳатларини асослаш, унинг назарий ва амалий пойдеворини яратиш, хилма-хил кутубхоначилик анжуманларини, кенгашларини, қурултойларини чақириш, кутубхоначилик ишига раҳбарлик қилиш органларини шакллантириш каби ишлар амалга оширилиб, улар шу босқичнинг ўзига хос хусусиятлардир. Бу вазифаларни рўёбга чиқариш ўша даврнинг, умуман республикада кутубхонашунослик фанининг шаклланишига ўз ҳиссаларини қўшган йирик мутахассислар – Е.К. Бетгер (1877- 1956 ), А.В. Коршун (1878 - 1961), В.Н. Смолин (1887-1945), Н.А.Буров (1885-1969) А.А. Гаррицкий (1881-1946), О.Ё.Маслова (1893-1980) ва бошқаларнинг номи билан боғлиқдир. Жумладан, 20 йилларда Ўзбекистонда кутубхонашунослик фанининг шаклланиши ва тараққиётини қараб чиқар эканмиз, унинг ривожланиши машҳур олим, ҳаётининг 40 йилдан ортиқ даврини республикада кутубхонашунослик ишига бағишлаган, кутубхонашунос- библиограф Евгений Карлович Бетгер шахси билан алоқадор эканлигини кўрамиз.

Е.К.Бетгер кутубхоначилик иши масалаларининг айрим жиҳатларига, чунончи ҳисоботларини ягона тартибда ва шаклда тузиш, кутубхона жамғармаси ва каталогларини халқаро ўнли классификация жадваллари асосида ташкил қилиш, кутубхона ходимларини ўқитиш ва қайта тайёрлаш муаммоларига катта аҳамият берган эди. У ҳисобот тузишнинг шаклини белгилаб берар экан, биринчидан, унда кутубхонанинг тузилишини, унинг бўлимлари ишини ташкил қилиш ҳақида тўхталиб, бўлимларни оптимал жойлаштириш китобхонларга илмий хизмат кўрсатиш негизи эканлигини таъкидлайди, иккинчидан, уни яхшилашда кутубхона ходимларининг роли катта эканлигини, учинчидан, кутубхонанинг молиявий аҳволи, унинг сметасини тузиш ҳамда таҳлил қилиш умумий кутубхона фаолиятини яхшилашнинг, тўртинчидан, кутубхонанинг моддий-техник негизини яхшилаш кутуб-

хона ўз олдига қўйган асосий вазифа – китобхонларга хизмат кўрсатишни йўлга қўйишдаги асосий омил эканлигини қайд қилади.[1]

Е.К.Бетгер тузган Ўрта Осиё Давлат кутубхонасининг (ҳозирги А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси) йиллик ҳисоботларида қиёсий таҳлил усули қўлланилган бўлиб, унинг натижасида кутубхонанинг ижтимоий ролининг ортиб боришини ҳамда мавжуд камчиликларни билиб олиш мумкин. Маълумки, 1918 йилда Туркистон Халқ дорилфунуни ҳузурида Туркистон оммавий кутубхонасини қайта ташкил этиш бўйича махсус комиссия тузилади. Комиссия томонидан, биринчидан, кутубхона каталогини халқаро ўнли классификация жадваллари асосида ташкил қилишга киришиш, иккинчидан, кутубхона жамғармасини тўлдиришга эътиборни қаратиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

Туркистон оммавий кутубхонасига тадбиқан "Ўнли классификация жадваллари"ни ишлаб чиқиш ўша вақтда Ғарбий Европа кутубхоналари аҳволидан яхши хабардор бўлган Е.К.Бетгерга ҳамда комиссия аъзоларига топширилади.[2]

1918 йилнинг охирида нашр қилинган бу жадвал тезда тарқалиб кетади ва унга бўлган талаб эса ортиб боради. Шу сабабли 1920 йил октябрида бўлиб ўтган кутубхоначиларнинг қурултойида оммавий кутубхоналар жамғармаси ва каталогларини янги жадвалларга ўтказиш заруратига мувофиқ "Ўнли библиографик классификация жадвалларини" қайта нашр қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Шу тарика жадвалларнинг иккинчи нашри 1922 йили эълон қилинади.

Туркистон Давлат кутубхонасида (Туркистон оммавий кутубхонасининг 50 йиллиги муносабати билан кутубхона 1920 йил май ойи-

---

[1] Қаранг: Отчет Туркестанской Государственной библиотеки за 1923 год.- Т.,1924; Отчет Туркестанской Гос.биб-ки за 1924г. -Т., 1925; Отчет Среднеазиатской Гос.биб-ки за 1925год.-Т.,1926.

[2] Десятичная библиографическая классификация Сост.Е.К.Бетгер, Л.К.Давыдов, А.Л.Нетленков.- Т., 1918.- С.1.

дан бошлаб Давлат кутубхонаси деб атала бошланди) ишлаган тўрт йиллик тажрибаси асосида Е.К.Бетгер ўзининг "Жадваллардан фойдаланиш қоидалари ва услубий кўрсатмалар" деган ишини ёзади. Бу кутубхоначилик соҳаси бўйича ёзилган уша даврнинг муҳим ишларидан бири бўлиб, қатор йиллар мобайнида республика кутубхона ходимлари учун қоидалар йиғиндисидан иборат қўлланма бўлиб қолди.

Е.К.Бетгернинг "Эслатмалар, қўшимча тушунтиришлар ва улардан фойдаланишнинг хилма-хил шаклларини алоҳида қисмда жамлаш" тўғрисидаги ғояси Брюсселдаги Халқаро кутубхоначилик олий билимгоҳи ходимларида катта қизиқиш уйғотади. Жумладан, шу билимгоҳ асосчиларидан бири, унинг бош котиби Поль Отле (1869-1944) 1923 йил 19 январда Е.К.Бетгер номига ёзган хатида инсон ақлининг матонатига таҳсинлар айтиб, 1922 йилда Туркистон АССРда нашр қилинган ўнли классификация жадвалларидан чуқур қониқиш ҳосил қилганлиги ҳам уни маъқуллаганлигини таъкидлайди.[3]

1923 йилда ёзилган "Кутубхоначилик ишининг навбатдаги вазифалари ва янги иқтисодий сиёсат" деган мақоласида Е.К.Бетгер кутубхоначилик билимларини оммалаштириш, тажриба ва амалиётда орттирилган билимларни ўзаро баҳам кўриш зарурлигини, кутубхонашуносликка оид асарларни нашр қилиш, кутубхоначилар малакасини ошириш ва уларни тайёрлаш мақсадида кутубхоначилик курсларини ташкил қилиш ҳамда кутубхона ходимларининг анжуман ва қурултойларини вақти-вақти билан чақириб туриш- кутубхона қурилишининг долзарб вазифаси[4] эканлигини таъкидлайди.

1926 йилда А.А.Гаррицкийнинг "Кутубхона ходимига қисқача қўлланмаси" ўзбек тилида чоп этилади. Асарда китоб тавсифлаш-

3. Абрамов Ю.Б. Развитие теории и практики каталогизации в УзССР: Дисс. на соискание учен.степени. канд. пед. наук.- Л., 1967.- С.147.

4. Ўзбекистон Давлат Марказий архиви, Ф.Р.- 412, оп. 1,д.23, 27-30 саҳифалар.- Наш путь, 1923.- № 1.- С.19-23.

нинг умумий қоидалари, алифболи, системали ва предмет каталогларини ташкил қилиш, матбуот асарларини классификациялаш бўйича тавсиялар ва кўрсатмалар ишлаб чиқилган эди. Шарқшунос олим, кутубхоначи ва библиограф Александр Александрович Гаррицкийнинг кутубхонашунослик фанига қўшган муҳим ҳиссаси шундан иборатки, у биринчи марта ўзбек тилида умумлаштирилган тарзда кутубхонашунослик луғатшунослиги ва унинг умумилмий асосларини ишлаб чиққан эди. Бу харакат ўзбек кутубхонашуносларининг [illegible]ка ишларида ҳам ўз аксини топди. Чунончи, О.В.Маслова ва М.П. Латиповаларнинг "Алифбо каталоги" (1931 йил) деган амалий қўлланмасида асарларни тавсифлашда қўлланиладиган русча- ўзбекча қисқартирилган изоҳли луғат ва бошқалар ўзбек тилида нашр қилинган китоблар асосида ишлаб чиқилади. Шундай қилиб, Е.К. Беттгер томонидан 1918 ва 1922 йилларда нашр қилинган "Ўнли библиографик классификациянинг" икки жадвали ва 1920 ҳамда 1922 йилларда эълон қилинган кутубхоначилик техникасига оид айрим тавсиялар Ўзбекистонда оёққа тура бошлаган кутубхонашунослик фанининг пойдевори бўлса, 1926 йилда ўзбек тилида чиққан А.А.Гаррицкийнинг "Кутубхона хизматига қисқача қўлланмаси", шунингдек, 1931 йилда босмадан чиққан О.В.Маслова ва М.П.Латиповаларнинг "Алифбо каталоги" номли амалий қўлланмасида ишлаб чиқилган асарларни тавсифлашда ишлатиладиган русча-ўзбекча қисқартирилган изоҳли луғат ва бошқалар унинг деворини кўтаришда синч вазифасини ўтар эди.

Умуман, Ўзбекистонда кутубхонашунослик фани тараққиётининг биринчи босқичига таъриф берар эканмиз, бу даврда ўзбек кутубхонашунослигининг амалий ва назарий асосларининг пайдо бўлиб, шаклланиб борганлигини қайд қилиш зарур. Унинг амалий асоси кутубхоначилик назариясининг ташкилий масалалари билан боғлиқ бўлиб, улар Маркзакия идоралараро кутубхоначилик комиссиясининг барпо қилиниши (1921 йил ноябрь), кутубхона бирлашмаларининг

ташкил қилиниши (дастлабки бирлашма 1928 йил ноябрида Тошкент шаҳрида ташкил қилинган) хилма-хил кутубхоначилик кенгашлари, анжуманлар, семинарлар ва курултойларнинг чақирилиши, республикадаги айрим кутубхоналар фаолиятини текшириш, кутубхона шахобчаларини ривожлантириш режаларини тузиш, етакчи кутубхоналар илғор иш тажрибаларини ўрганиш, тарғиб қилиш ва ҳоказо - лардир.

Аммо кутубхонашунослигининг бу йўналишлари ўталиш даврда ва ундан кейин ҳам назарий жиҳатдан тўла умумлаштирилмаган бўлиб, фақат уларнинг баъзи бир жиҳатлари ўрганилган ва ривожлантирилган. Чунончи, кутубхоначилик ишининг тарихий ва назарий асосларини умумлаштириш (Ўзбекистон Давлат кутубхоналари асарларининг нашр қилиниши ва Улуғ Ватан уруши йилларида илмий сессияларнинг ўтказилиши); Ўзбекистон Давлат кутубхонасининг илмий ҳисоботларини тузиш ва фаолиятини таҳлил қилиш; кутубхоначилик хизмати кўрсатишнинг аҳволи ва кутубхона жамғармасини тўлдириш муаммоларини ўрганиш; кутубхона шахобчаларини ва тармоқларини ташкил қилиш; тавсифлаш усуллари ва алифбо каталогини ташкил қилишнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда ўзбек тилидаги кутубхоначилик терминлари муаммоларини тадқиқ қилиш; хилма-хил назарий қарашлар (танқидий, мунозарали) ҳамда аниқ намоён бўлган ўзига кутубхоначилик-библиографик классификация тизимининг назарий ва амалий асосларининг ишлаб чиқилиши ва ҳок. унинг назарий негизидир. Бу муаммолар ҳозирги замон кутубхонашунослари томонидан чуқур ва атрофлича умумлаштиришни кутмоқда.

## II боб. УРУШДАН КЕЙИНГИ ТИКЛАНИШ ДАВРИ ҲАМДА 50-70 ЙИЛЛАРДА КУТУБХОНАШУНОСЛИК ФАНИНИНГ ТАБАҚАЛАНИШИ ВА ИХТИСОСЛАШУВИ ШАРОИТИДА ФАН ТАРАҚҚИЁТИ (1946-1974 йй.)

Ўзбекистонда кутубхонашунослик фани тараққиётининг иккинчи босқичи (1946-1974 йиллар) биринчисидан фарқли ўлароқ, кутубхонашунослик муаммоларининг тобора кенгайиб бориши ва улар билан шуғулланувчи муаллифлар орасида маҳаллий аҳоли вакилларининг кўпайиши билан характерланади. Кутубхонашунослар танлаган мавзулар доирасида кутубхоначилик ишининг умумий масалаларидан тортиб, алоҳида кутубхоналар фаолияти, кутубхона тармоқлари, улар ишининг айрим йўналишлари, жумладан, китобхонларга хизмат кўрсатиш, кутубхона жамғармаси муаммолари, кутубхоналар ишини ташкил қилиш, кутубхоналарнинг илғор тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва тарғиб қилиш, бошқа кутубхоналар амалиётига жорий этиш, шу мақсадда тўпламлар нашр қилиш, луғатлар, маълумотномалар тузиш ва ниҳоят маълум мавзуларда ўша ишларнинг амалий ва илмий натижаси ўлароқ тадқиқот ишларини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш бу босқичга хос хусусиятлардир.

Бу маълум даражада кутубхоначилик-библиографик фанларнинг ривож топа борганлигидан, айни вақтда унинг асосий ривожлантирувчи кучи- илмий, малакали кадрларнинг етишиб бораётганлигидан далолат беради. Бунга 1958 йилда Қўқон Педагогика институти таркибида очилган кутубхоначилик факультети (1960 йилдан Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтига ўтказилган) ва унинг асоси бўлган "Кутубхонашунослик ва библиография" кафедрасининг ташкил топиши ҳамда улар томонидан тайёрланган олий малакали кутубхоначи кадрлар катта ҳисса қўшди[3].

60- йилларда кутубхонашунослик ва библиографияшунослик фанларининг ривож топиши ва табақаланиши натижасида уларнинг ҳар бири бўйича махсус фанлар туркуми пайдо бўлди. "Кутубхонашунос-

лик" ва "Библиография" кафедралари олий малакали кутубхоначиларни тайёрлаш жараёнида ўқув-тарбия, илмий ва услубий ишларнинг маз - мунини ва бирлигини белгилаб бериш билан бир қаторда илмий-педагогик кадрларни етиштиришда асосий база сифатида республикада ку - тубхонашунослик фикрининг шаклланиши ва унинг тараққиётида катта роль ўйнади. Шу муносабат билан, Ўзбекистонда кутубхонашунослик фани тараққиётининг иккинчи ва ундан кейинги босқичларида кутубхоначилик ишининг турли жиҳатларини ишлаб чиқиш ва ёритишда бошқа муаллифлар ишларига тўхталмасдан, фақатгина ҳозирги Абдулла Қодирий номидаги ТДМИ махсус кафедралари ўқитувчиларининг бу ишга тааллуқли асарлари билангина чекланишни лозим деб топдик.

"Кутубхонашунослик" фанининг табақаланиши унинг тарихий жиҳатларини чуқур ўрганиш зарурятини вужудга келтирди. 60 - 70 йилларда Низомий номидаги ТДПИ кутубхонашунослик кафедраси ўқитувчиларининг кутубхоначилик иши тарихи, кутубхоналар ва уларни каталоглаштириш тарихи муаммоларига қизиқишининг ортиб борганлигини қайд қилиш лозим. 1966 йилда ТДПИ кутубхонашунослик ва библиография кафедралари ўқитувчиларининг илмий асарлари тўплами[5] чиқди. Унда кафедра ўқитувчи - ларидан Н.В.Яхонтованинг "Революциядан олдинги Туркистонда илмий кутубхоналар тарихидан", О.Г.Қосимованинг "Ўзбекистоннинг революциядан олдинги кутубхоналари", М.В.Витенсоннинг "Тошкент кутубхоналарида чет эл вақтли матбуотининг йиғма каталоги," Ю.В.Абрамовнинг "Ўз ССРда марказлаштирилган каталоглаштириш тарихидан" каби илмий мақолалари ўрин олган эди.

Дастлабки икки муаллифнинг мақолалари айнан бир-бирига яқин бўлиб, бир-бирини тўлдиради. О.Г.Қосимова ўз мақоласида Россия-

---

5. Из истории книгоиздательского и библиотечного дела в Узбекистане. Ученые зап. ТГПИ им.Низами. Т.71.- Т.: Фан, 1966.- 110б.

нинг Ўрта Осиёни босиб олганидан кейин Туркистонда очилган янги типдаги кутубхоналарнинг оммавий, ахборот, ҳарбий, ўқув юртлари ва мактаб кутубхоналари, пуллик, шахсий ва жамоатчилик кутубхоналари, махсус кутубхоналар, кутубхона- қироатхоналар, кенг халқ оммаси учун очилган дастлабки мусулмон кутубхоналари ва шаҳар кутубхоналарининг пайдо бўлиши, уларнинг фаолияти, ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилган бўлса, Н.В.Яхонтова ўз мақоласида кутубхоналарнинг яна бир тури – илмий кутубхоналарга эътиборни қаратган. Натижада 1870– 1917 йилларда Туркистонда ташкил қилинган ва фаолият кўрсатган кутубхоналарнинг умумий силсиласи, уларнинг аҳамияти тўғрисида бир бутун тарихий билимга эга бўламиз.

М.И. Витенсон мақоласининг сарлавҳасида гарчи "тарих" термини ишлатилмаган бўлса-да, унда Тошкент шаҳрида жойлашган йирик кутубхоналардаги чет эл вақтли матбуотининг йиғма каталогини тузиш тарихи (1925– 1965 йиллар), аҳволи, тузилиши, аҳамияти, уни такомиллаштириш муаммолари ёритилган. Ю.Б.Абрамованинг тадқиқотида эса республикада марказлаштирилган каталоглаштириш тарихи, унинг аҳволи ва унинг бундан кейинги тараққиётини белгилаб берувчи чора-тадбирлар баён қилинган. Муаллифлар ўз ишларида ўша даврда кутубхоначилик ишининг у ёки бу масалаларини ривожлантиришга ҳисса қўшган Н.А.Бендерский, Е.К.Беттгер, Н.А.Буров, Л.В.Бомштейн, О.В.Маслова, В.Н.Смолин, Г.А.Аракелянц, А.И.Агеев каби кутубхонашунос- библиографларнинг фаолиятига ўзларининг ижобий муносабатларини билдиришган.

Туркистонда кутубхоналар ва кутубхоначилик иши тарихи илк феодал жамиятидан то 1924 йилгача бўлган даврда О.Г.Қосимованинг "Туркистон кутубхоналари" рисоласида[6], Улуғ Ватан урушидан олдинги беш йилликлар давридаги кутубхоначилик қурилиши

---

6. Косимова А.Г. Библиотеки Туркестана: Кр.ист.очерк.- Т.: 1966.- 32 с.

масалалари унинг қатор илмий мақолаларида ўз аксини топган.[6] Ана шу тадқиқотларнинг натижаси ўлароқ 1965 йилда В.И.Ленин номидаги Тошкент Давлат Дорилфунунида республикада биринчи марта кутубхоначилик иши тарихи бўйича О.Т.Қосимованинг "Ўзбекистонда оммавий кутубхоналар тармоғининг ривожланиши" мавзусида фан номзодлиги учун кандидатлик иши химоя қилинади.[7]

Диссертацияда тарихий материаллар асосида Туркистон ўлкасидаги кутубхоналар тарихи, хилма-хил илмий жамиятлар кутубхоналарининг ишлари, кўлёзма - кичик кутубхоналари ва Туркистон оммавий кутубхонаси ҳузуридаги кутубхоначилик комиссияси фаолиятини муфассал ёритилган. Инқилобдан кейинги даврда кутубхоналар ишини ёритишда муаллиф оммавий кутубхоналар тармоғига асосий диққатини қаратганим ҳолда, Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатган бошқа турдаги кутубхоналар ишларини ҳам назардан четда қолдиришмайди", натижада республикада аҳолига кутубхоначилик хизмати кўрсатишнинг батафсил манзараси вужудга келган.

1966 йилда нашрдан чиққан О.Қосимованинг "Ўзбекистонда кутубхоначилик иши" монографияси[8] гарчи сарлавҳада "Ўзбекистон" жуғрофий термини ишлатилган бўлса-да, асилда 1917 йил октябрь инқилобидан олдинги Туркистон; туроп ўлкасида кутубхоналарнинг пайдо бўлиши, уларнинг аҳволидан тортиб (асарнинг деярли ярмига яқин) то, 1968 йилгача бўлган даврда республикада кутубхоначилик ишининг тарихига бағишланган.

Шуни қайд қилиш зарурки, муаллиф инқилобгача бўлган даврни тарихан чегаралашда ўзига хос усул қўллаган: 1. Россияга қўшилгунига қадар Ўрта Осиё кутубхоналарининг қисқача тарихий очерки; 2. Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилганидан кейинги даврда Туркистон кутубхоналари (1868- 1917 йиллар); 3. Туркистон АССРда кутубхоначилик ишининг ривожланиши (1918-1924 йиллар) бўлса, Совет Ўзбекистонида кутубхоначилик ишини даврлаштиришда бирмунча но-

7. Қосимова О.Т. Биринчи беш йилликлар даврида кутубхоначилик ... // Сов.мактаби.- 1965.- № 5;
8. Косимова А.Г. Библиотечное дело в Узбекистане.- Т.:1968 - 119с.

аниқликларга йўл қўйган. Жумладан, "Биринчи беш йиллик бошланишига қадар Ўзбекистон ССРда кутубхоначилик иши" (I924–I927 йиллар) ёки "Иккинчи беш йилликда ва учинчи беш йилликнинг бошланишида (I933–I94I йиллар) кутубхоначилик иши" шунингдек, "Урушдан кейинги дастлабки йилларда Ўзбекистон кутубхоналари" деган бобларнинг ҳар бири ўз сарлавҳасига тўғри келмайди, яъни Ўзбекистон ССР 1924 йилда эълон қилинган бўлсада, унинг тарихи асосан 1925 йилдан бошланади. 1941 йил учинчи беш йилликнинг бошланиши эмаслиги ҳаммага аён, ёки бўлмаса, бобдаги "урушдан кейинги дастлабки йилларга" 1956 йилгача бўлган давр кирмаслиги ҳам маълум. Шундан бўлса ҳам муаллиф ўз асарида ҳар бир тарихий давр хусусиятларини чуқур таҳлил қилишга ҳаракат қилган, ҳодисаларга маълум даражада танқидий ёндошади, замонавий кутубхоначилик муаммолари, уларни ҳал этиш йўлларини очиб беришга муваффақ бўлади.

Даврлаштиришдаги айрим жузъий камчиликлардан қатъий назар монография республикада кутубхоначилик иши тарихининг яхлит манзарасини тасаввур қилиш имконини бериши билан кутубхонашунослик фани тараққиётига қўшилган катта ҳиссадир.

Бу даврда кутубхоначилик иши тарихи мавзусини тўлдирувчи яна бир илмий тадқиқот иши ниҳоясига етказилди. Бу А.Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонаси ходими Ю.Б.Абрамовнинг иши бўлиб, у Н.К.Крупская номидаги Ленинград Давлат Маданият институтида 1967 йилда "ЎзССРда каталоглаштириш назарияси ва амалиётининг ривожланиши"[9] мавзуида диссертациясини ҳимоя қилган эди.

Тадқиқотнинг биринчи қисми Туркистонда каталоглаштириш тарихига бағишланган бўлиб, унда IX асрдан то Россиянинг Ўрта Осиёни босиб олган давргача ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги ўрта аср кутубхоналари тўғрисида қисқача тарихий рисола жамланган. Асосий диққат Туркистон оммавий кутубхонаси (ТОК) рус бўлими каталоги,

---

9. Абрамов Ю.Б. Развитие теории и практики каталогизации в Узбекской ССР: Дисс. на соискание учен. степени канд. пед. наук.– Л., I967.– 270 с.

чет эл китоблари каталоги, қўлёзма асарлар каталоги, шунингдек, Туркистон ўлкасидаги шаҳар, илмий, ўқув юртлари ва бошқа кутубхоналар каталогларига киритилган. ТОКни каталоглаштириш ва ривожлантиришда Е.В.Дмитровский ва "Кутубхоначилик комиссияси" (1876–1882 йиллар) аъзоларининг, сўнгра Назорат комиссиясининг (1884–1887, 1898–1904, 1906–1918 йиллар) қўшган ҳиссалари ўрганилган ва тадқиқ қилинган.

Тадқиқотнинг кейинги қисмларида Туркистон АССРда (1918–1924 йиллар) ва Ўзбекистонда (1925–1967 йиллар) каталоглаштириш назарияси ва амалиёти А.Навоий номидаги ЎДК мисолида ёритилган. Бу ерда В.Б.Абрамовнинг Туркистон Халқ дорилфунуни ҳузурида тузилган ва бошқа масалалар билан бир қаторда унинг жамғармасини каталоглаштириш муаммолари билан ҳам шуғулланган Махсус комиссия (1918 йил)нинг фаолиятини биринчи бор илмий жамоатчиликка тақдим этганлигини таъкидлаш лозим.

1969 йилда етакчи кутубхонашунослардан бири, кўп йиллар мобайнида Тошкент ДПИнинг илмий кутубхонасида фаолият кўрсатган, 1971 йилдан ТДПИ "Кутубхонашунослик" кафедрасининг, 1974 йилдан ТДМИнинг доценти А.И.Кормилицыннинг "Инқилобдан олдинги Туркистонда кутубхоначилик иши тарихи" (1868–1917 йиллар)[10] мавзусидаги фан номзодлиги учун илмий иши ҳимоя қилинди. Бу тадқиқотга унинг шу даврларда эълон қилинган "Инқилобдан олдинги Туркистондаги илмий-тиббий жамиятлар кутубхоналари"[11], "Инқилобдан олдинги Туркистондаги айрим илмий жамиятлар кутубхоналари ва уларнинг илмий-техник билимларни тарқатишдаги аҳамияти"[12] "Туркистон оммавий кутубхонаси ва унинг инқилобдан олдинги Туркистоннинг маданий ҳаётидаги роли"[13], "Ножўяли кутубхоналар ва уларнинг Тошкентда инқилобий адабиётларни тарқатишдаги роли"[14]

---

10. Кормилицин А.И. История развития библиотечного дела в дореволюционном Туркестане (1868–1917гг.): Автореферат диссертации ... канд.ист.наук.-Т., 1969.- 31с.
11. Труды ТашГУ.- 1966. С.122–136.
12. Материалы аспирантских работ ТашГУ.-Т.,1966.- с.52-54.
13. Общественные науки в Узбекистане, 1967.- с.169–174.
14. Труды ТашГУ, вып.333.- Т., 1968.- с.320–341.

"Темирйўлчиларнинг ишчи кутубхоналари ва уларнинг меҳнаткашларнинг инқилобий онгини уйғотишдаги роли"[15], "Самарқанд жамоатчилик кутубхонасида нолегал адабиётларнинг тарғиботи"[16] каби асарлари асос қилиб олинган.

Ишда материаллар Туркистоннинг учта вилояти- Сирдарё, Самарқанд ва Фарғона бўйича тадқиқ қилинган, сабаби бу ерда маҳаллий миллат вакилларининг энг кўп қисми яшаган эди.

Тадқиқот кириш, бешта боб, хулоса ва иловалардан иборат бўлиб, инқилобдан олдинги Туркистондаги оммавий кутубхоналар, жамоатчилик ва халқ кутубхоналари, илмий жамиятлар ва муассасалар ҳамда ишчи ва нолегал кутубхоналар (юқорида қайд қилинган вилоятларда), уларнинг ташкил топиши, хусусиятлари, фаолияти, жамиятда тутган ўрни ва аҳамияти ҳар жиҳатдан талқин қилинади.

Тадқиқотчи масалага ўз даври нуқтаи назаридан ёндошиб, Туркистондаги рус ҳукмрон доираларининг кутубхоналарга нисбатан тутган синфий сиёсатининг моҳиятини ва шу муносабат билан илғор рус ва маҳаллий зиёлиларнинг кутубхоналарни ташкил қилиш ва ривожлантиришдаги ролини очиб беришга, кутубхоналар ва қироатхоналарнинг маҳаллий халқ оммасининг илғор рус маданиятидан баҳраманд этишдаги, уларнинг сиёсий онгини оширишдаги ролини, аҳамиятини кўрсатишни мақсад этган ва уни муваффақият билан уддалаган.

Биз юқорида кўриб ўтганимиздек, тадқиқотнинг мавзуи янги эмас, сабаби, бунга қадар ҳам республикада инқилобдан олдинги Туркистон кутубхоналари тарихига қисман бўлсада тааллуқли (айнан А.И.Корнилицин тадқиқ қилган кутубхоналар турлари бўйича) иккита илмий-тадқиқот иши (О.Г.Қосимова, Ю.Б.Абрамов), қатор илмий-оммабоп мақолалар, рисола ва китоблар эълон қилинган эди. А.И.Корнилицин эса ўз тадқиқотининг адабиётларга обзор бериш қисмида фақатгина иккита муаллифнинг- О.Г.Қосимова ва Н.В.Ихон-

---

15 Труды ТашГУ, вып. 339.- Т., 1968.- с.57-75.

16 Там же. -с.76-91.

товаларининг 1966 йилда Низомий номидаги ТДПИ Илмий асарларида (71 том) чиққан мақолаларига тўхтаб ўтган, диссертациялар ҳақида лом-мим демайди. Биз бу билан тадқиқотчини "ўғирликда" айбламоқчи эмасмиз, аммо у ҳақида гапириш фаннинг тараққиётини тасаввур қилмоқ, унинг имкониятларининг беқиёслигини англаб етмоқ ва ниҳоят, келажак тадқиқотчиларга қиёсий-таҳлилий база тайёрламоқ учун зарур эди.

70 йилларда кутубхонашунослик-библиографик фанларининг тараққий этиши, уларнинг ихтисослашуви, шунингдек, Республикада малакали кутубхоначи ходимларни тайёрлаш, уларни ўқитиш, соҳа бўйича илмий-тадқиқот ишларини ўстириш ва ташкил қилиш ҳамда кундалик амалиётда кутубхоначилик-библиографик терминларни тартибга келтириш зарурати давр талаби бўлиб қолган эди. Шундай шароитда, О.Ғ.Қосимова, Ё.Қодироваалар томонидан Е.И.Шамуриннинг 1958 йилда чиққан изоҳли луғати асосида ўзбек тилида "Кутубхонашунослик ва библиография бўйича қисқача изоҳли терминологик луғат"[17] нашр қилинади. У педагогика олий ўқув юртлари кутубхоначилик факультетлари талабалари, маданий-оқартув техникумлари ўқувчилари ҳамда амалиётчи кутубхоначи-библиографлар учун мўлжалланган эди. Луғат назарий ҳам амалий аҳамиятга эга бўлиб, қуйидаги асосий йўналишлар илмий аҳамиятга эгадир:

- И.Шамурин луғатидаги "ҳарбий кутубхона", "кутубхонашунослик", кутубхоначилик иши техникаси", "кутубхона тармоқлари", "кутубхоначилик статистикаси", "кутубхоначилик ёзуви", "китоб элтувчи- жамоатчи", "ўқишга раҳбарлик қилиш", "сиртқи абонемент ва бошқа айрим терминларни тўлдириш, қайта ишлаш ва тушунтириш;

-Е.И.Шамурин луғатида бўлмаган ва назариётчилар ва амалиётчилар томонидан қабул қилинган "кутубхона-сметаси", "илмий ва махсус кутубхоналар", "очиқ китоб фондлари", "формал таълоги жойлаштириш", "якка ҳисобга олишнинг акт системаси", "систематик жойлаштириш", "очиқ китоб фонди шароитида китоб фондини жойлаштириш" ва ҳоказо кутубхонашунослик ва библиографияга оид

---

17 Кутубхоначилик ва библиографияга оид терминларнинг қисқача изоҳли луғати / Тузувчилар О.Ғ.Қосимова, Е.Қодирова.–Т.: Ўқитувчи,– 1970.

янги терминларни тушунтириш;

– тузувчилар йирик кутубхоналар ва библиографик органлар фаолияти ҳақида сўз юритиб бориб, маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий материаллар билан тўлдирдилар, масалан: В.И.Ленин номидаги СССР давлат кутубхонаси ва А.Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат кутубхонаси, Бутуниттифоқ Китоб Палатасининг "Китоб солномаси" ва ЎзССР Китоб Палатасининг "Китоб солномаси" ва ҳоказо. Айникса, луғатда келтирилган рус тилидаги терминларнинг ўзбекча эквивалентлари муҳим аҳамиятга эгадир.

70-йилларнинг биринчи ярмида илмий кутубхоналар тарихи ҳам махсус ўрганила бошланганлигини кўрамиз. Шу нуқтаи назардан кафедранинг доценти М.А.Раҳимованинг "Билимлар маскани"[18] номли асари аҳамиятлидир. Китобчада Ўрта Осиёда кутубхоналар тарихи ҳақида қисқача обзор ва республиканинг бешта универсал кутубхоналари тарихи ёритилган. Шуни таъкидлаш лозимки, муаллиф инқилобдан олдинги кутубхоналар тарихини ёритар экан, маълум даражада бошқа тадқиқотчиларнинг (О.Г.Қосимова, А.И.Корнилицин) материалларини такрорлайди, албатта бу тарихий ҳақиқатни бир изчилликда ва тўла бериш зарурятидан келиб чиққан бўлса керак. Китобча оммабоп шаклда ёзилган универсал илмий кутубхоналар тарихи бўйича маълумотнома типидаги асардир.

1973 йилда муаллиф ТошДДа "Ўзбек ССР илмий кутубхоналари тараққиёти тарихи (1917-1941 йиллар)"[19] мавзуида номзодлик ишини ҳимоя қилди. Тадқиқотда юқорида қайд қилинган китобчада таърифланган – А.Навоий номидаги ЎДК, ТошДДнинг Илмий кутубхонаси, А.С.Пушкин номидаги Самарқанд вилоят кутубхонаси, А.Навоий номидаги Самарқанд Давлат дорилфунунининг Асосий кутубхонаси, Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилоят кутубхоналаридан ташқари ЎзФА сининг Асосий кутубхонаси ҳамда Тошкент Давлат тиббиёт кутубхоналари тарихи, шунингдек, республикада илмий кутуб-

[18] Раҳимова М. Билимлар маскани: Ўзбекистоннинг йирик илмий кутубхоналари ҳақида.- Т.: Фан, 1972.- 34б.

[19] Рахимова М.А. История развития научных библиотек в УзССР (1917-1941гг.): Автореф. канд.ист.наук.-Т.,1973.- 24 с.

Toshkent Axborot Texnologiyalari Univer...
6 IX-51
Axborot Resurs Markazi

хоналар тармоғининг шаклланиши, олий ўқув юртлари кутубхона-ларининг таркиб топиши, фаолияти ва муаммолари атрофлича тахлил қилинган.

Бу типдаги кутубхоналарнинг бундан кейинги даврдаги ривожланиши тарихини кафедранинг ўқитувчиси Б.К.Каримов ўзининг "Ўзбек ССРда илмий кутубхоналар тараққиёти" (1941-1970 йиллар)[20] мавзусидаги номзодлик ишида давом эттирган. Тадқиқот Москва Давлат Маданият институтида химоя қилинган бўлиб, унинг объекти М.А.Рахимова ўрганган кутубхоналардан ташқари Республика илмий техника кутубхонаси, Республика худудий патент фонди кутубхоналари, ЎзДавлат режа илмий-техника ва техника иқтисодий тадқиқотлар илмий-текшириш институтининг халқ хўжалиги мутахассисларига хизмат кўрсатиши бўйича фаолияти билан кенгайтирилган.

Бизнингча, бу икки тадқиқот объектидаги кутубхоналарни бир-бирини такрорламайдиган тарзда илмий-универсал ва илмий махсус кутубхоналар бўйича икки турга ажратган холда, тарихий чегарани 1917-1970 йиллар қилиб белгилаганда мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шундай қилинганда тегишли кутубхоналар тарихини, фаолиятини ёритишда йўл қўйилган "тарихий чекинишлар", такрорлашлар бўлмас эди, маълум бир кутубхона тарихи "мажбуран" бўлинмасдан, бир бутун мазмунга эга бўлар ва натижада уларнинг илмий ахамияти янада ортар эди.

Шундай қилиб, Республикада кутубхонашунослик фани ривожланишининг иккинчи босқичига (1946-1974 йиллар) таъриф берар эканмиз, эълон қилинган жами материаллар (шу жумладан биз юқорида кўриб ўтганларимиз) характерига қараб қуйидагича умумий хулоса қилиш мумкин:

– республика кутубхоналари фаолияти тўғрисида обзор- ахборот тарздаги мақолалар кўпайиб борди;

---

20 Каримов Б.К. Развитие научных библиотек в Узбекской ССР: (1941-1970 гг.) Автореферат... канд.пед.наук.- М., 1975. - 23 с.

- кутубхоналардаги илғор тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва жорий қилиш бўйича материаллар, тўпламлар нашр қилина бошланди;

- амалиётчи ва назариётчи кутубхонашуносларнинг республикада кутубхоначилик иши, унинг аҳволи ва истиқболлари тўғрисидаги тадқиқотлари чиқа бошлади;

- маълумотнома типидаги, луғатлар тарзидаги нашрлар пайдо бўлди;

Бундан келиб чиқадиган биринчи хулоса шундан иборатки, бу босқичда кутубхоначилик ишининг умумий масалалари билан бир қаторда, унинг айрим йўналишлари бўйича, жумладан, кутубхоналарнинг типлари ва улар фаолиятининг баъзи муаммоларига (каталоглаштириш; кутубхоналараро абонемент, очиқ китоб жамғармаси ва жок.) бағишланган тадқиқотлар амалга оширилди.

Иккинчидан, республикада кутубхоналар аҳволини кузатиб борувчи ва уларни ривожлантиришдан манфаатдор шахслар ҳисобланган амалиётчи ҳам назариётчи илмий кадрлар етишиб чиқди ва шаклланди (олий малакали кутубхоначи-библиографлар тайёрланадиган олий кутубхоначилик таълимининг барпо қилиниши), 1974 йилдан эса ТДМИ ва унинг "Кутубхонашунослик" (1968 йил), "Библиография" (1968 йил), "Болалар адабиёти ва болалар билан кутубхоначилик иши" (1974 йил). "Кутубхона фондлари ва каталоглари"(1980й) "Информатика ва кутубхоналарда техник воситалар (1977 йил) каби махсус кафедраларнинг ташкил қилиниши бунга ижобий таъсир кўрсатди.

Учинчидан, А.Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонаси республикада кутубхоначилик ишининг функционал ва илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштирувчи ҳамда унинг ташкилий маркази бўлиб қолди.

## II-боб. ЎЗБЕКИСТОНДА КУТУБХОНАШУНОСЛИК ФАНИ ВА КУТУБХОНАЧИЛИК ИШИНИНГ ЕТУКЛИК ДАВРИ (1975-1990 йиллар)

Ушбу йиллар Республикада кутубхонашунослик фани ривожининг учинчи босқичининг (1975-1990 йиллар) янада маҳсулдор бўлганлигини белгилаб берди. Бу даврда кутубхонашунослик соҳаси бўйича илмий тадқиқот ишлар даражаси янги поғонага кўтарилди. Кутубхона тармоқлари ва кутубхонашунослик, китоб тарихи ва унинг умумий муаммолари ривожи бўйича 1976-1980, 1981-1990 ва 2000 йилгача бўлган даврларга мўлжалланган илмий тадқиқот ишларнинг истиқболли режалари ишлаб чиқилди.

А. Қодирий номидаги ТДМИ "Инсон онгини фаоллаштиришда маданий-маърифий муассасаларнинг роли" деган комплекс тадқиқот ўтказишни режалаштирган бўлиб, унинг мақсади маданий-маърифий муассасаларнинг, шу жумладан кутубхоналарнинг ижтимоий вазифаларини янада тўлароқ рўёбга чиқаришга ёрдам беришдир. Тадқиқот дастурида кутубхона ва китобхонларга хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этишда кутубхоналарнинг ролини ошириш, аҳолини эстетик тарбиялашда кутубхоналарнинг иштироки ва роли каби масалалар ўз аксини топди.

"Кутубхонашунослик" кафедраси ўқитувчилари бу даврда кутубхонашунослик фани таркибий қисмларидан бўлган - кутубхоначилик иши тарихи, умумий кутубхонашунослик, китобхонларга хизмат кўрсатиш, кутубхона ишини ташкил қилиш ва бошқариш каби махсус ўқув предметларининг назарий ва илмий жиҳатдан асосланган, уларни ўқитиш услубиятларини ишлаб чиқишга муваффақ бўлишди. Олдин бу фикрлар ва ўқитишда Собиқ Иттифоқ марказларида яратилган дарсликлардан фойдаланилаган бўлса, 80-йилларнинг II ярмидан бошлаб,

республика хусусиятларини хисобга олган мустакил дарсликлар, кулланмалар ишлаб чикилди ва укитила бошланди. Бу тарика миллий истибдодниклан миллий истиклол сари кадам ташланди.

1975-1990 йиллар мобайнида республикада жами 9 киши (I докторлик ва 8 та номзодлик) илмий-тадкикот ишларини нихоясига етказган булсалар, шундан Iта докторлик ва 7та номзодлик иши институт укитувчиларига таллуклидир.

Бу даврда республикада кутубхонашунослик назариясининг ривожланишида тарих фанлари доктори, профессор О.Ф.Косимованинг роли каттадир. Куп йиллик укув-илмий фаолиятининг натижаси уларок бу даврда профессор О.Ф.Косимова "Узбекистонда кутубхона иши тарихи" укув кулланмасини яратиб, институт талабаларига дарслик сифатида укитила бошланди. 1977-1992 йилларда шу дарсликнинг 3 нашри (1961 йилги нашри рус тилида) чиккан булиб, сунггисида[21] катта микдордаги фактик материаллар асосида хозирги Узбекистон худудида октябрь инкилобидан олдинги ва кейинги даврларда кутубхоначилик ишининг карор топиши ва ривожланиши, турли тарихий боскичларда кутубхоналар фаолиятининг узига хос томонлари курсатилиб, республика кутубхоналарининг фан ва маданиятни ривожлантиришга, китобхонларнинг савиясини устиришга кушаётган хиссаси умумлаштирилган.

Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, олдинги кулланмалардан фаркли равишда бу нашрнинг УП-УШ боблари (106-191 бетлар) "Кутубхонашунослик" кафедрасининг катта укитувчиси Т.Эсимов билан хамкорликда ёзилган.

Муаллифлар давр талабидан келиб чикиб, кутубхоначилик ишини жамиятнинг ижтимоий, иктисодий ва маданий хаётининг ажралмас кисми сифатида карайдилар. Кутубхоналарнинг мехнаткашларни ах-локий тарбиялашдаги, маданий курилишдаги вазифаларини хар то-

---

21 Косимова О. Узбекистонда кутубхоначилик иши тарихи: Укув кулланма. Кайта ишланган ва тулдирилган 2-нашри; УП-УШ боблар Т.Есимов иштирокида ёзилган.- Т.: Укитувчи, 1992.-191б.

мохият очиб бердилар. Дарсликда кутубхоналарнинг жамиятдаги ўрни, улардаги тарғибот ва тавсият усулларининг маданий-маърифий фаолият билан боғланиши, китобхонлар билан ишлаш усули ва шаклларини такомиллаштириш масалалари кенг ёритилган. Республикада кутубхоначилик ишини тараққий эттиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Дарслик 1992 йилда чиққан бўлишига қарамай, асосан собиқ Иттифоқнинг, Компартиянинг инқирозидан олдин тайёрланиб нашрга топширилганидан унда воқеа ва ҳодисаларга "эскича" нуқтаи назардан ёндошилганлиги, яъни В.И.Ленин, Н.К.Крупская ва Коммунистик партия ва унинг съезд, пленумлари материаллари раҳбарлик материаллари сифатида қаралганини қайд қилиш зарур. Шундай бўлишидан қатъий назар, дарсликда маълум даражада кутубхона тармоқларининг ташкил қилиниши, уларнинг хусусиятлари, кадрлар тайёрлаш, уларнинг аҳволи, кутубхоналарнинг моддий-техник негизи кутубхоналар ишининг кўрсаткичлари, кутубхоналар тараққиётининг бош йўналишлари анча танқидий таҳлил қилинган. Масалан, УП бобда жамиятдаги каби кутубхоначилик ишидаги турғунликнинг бошланиши, унинг сабаблари ва сабоқлари атрофлича баён қилинади. Масалага шундай ёндошишнинг республика ҳаётида янги даврнинг бошланганлигидан дарак берувчи дастлабки қадамлар дейиш мумкин. УШ боб -асосан (дарсликнинг олдинги нашрларида бўлмаган) аҳолини тарбиялаш ва фан-техника тараққиётида кутубхоналарнинг ролини ошириш, масалан кутубхоначилик ишида тубдан ўзгаришларга эришиш учун кураш, кутубхона тармоқларини марказлаштириш, унинг асосий босқичлари, ютуқ ва камчиликлари, муаммолари, уларни ҳал этиш йўллари ёритилган. Умуман, қўлланмада Ўзбекистонда кутубхоначилик фани тарихи, унинг ҳозирги кундаги амалиёти билан боғланиб кетишини кўрамиз. Бу муаллифларнинг ўзига хос услуби бўлиб, тарихнинг бугунги кун муаммолари билан қориштиб қетиши натижасида талабалар томонидан тарихий ҳақиқатни тез ва осон мулоҳаза қила олишларига эришилади.

1982 йилда Ўзбекистон ФА Тарих институти қошида, республикада биринчи марта кутубхонашунослик соҳасида О.Қосимованинг "Ўзбекистон ССРда кутубхоначилик иши ривожланиши тарихи ва унинг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги роли" (1917 – 1979 йиллар)[22] номли докторлик диссертацияси ҳимоя қилинади. Тадқиқотда муаллиф республикада кутубхоначилик иши тарихини ёритар экан, миллий халқ анъаналари, урф- одатлар ва бошқа хусусиятлар билан боғлиқ ҳолда кутубхоналарнинг вазифаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, республиканинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида юз берган беқиёс катта ўзгаришлар ва ютуқлар доирасида кутубхоначилик иши тараққиётини, унинг асосий босқичларини, уларнинг ҳар бирида ўзига хос хусусиятларини, кутубхоначилик қурилиши ривожланишининг умумий қонуниятлари ва унинг хусусий жиҳатларини, шунингдек, кутубхоначилар ишининг коммунистик тарбияга ёрдам беришдаги анъанавий шакл ва усулларини очиб беришга ҳаракат қилади.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ва фанга қўшган ҳиссаси шундаки, унда кутубхоначилик иши биринчи марта махсус ва ҳар томонлама ёритилганлигига ҳамда Ўзбекистонда Совет ҳокимияти йилларида кутубхоначилик қурилишига бағишланган комплекс тадқиқот эканлигидадир.[22]

Деярли 60 йил мобайнида партиянинг ғоявий вазифалари нуқтаи назаридан белгиланган кутубхоналарнинг ижтимоий ва тарбиявий функцияларининг таркиб топиши ва ривожланиши, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш вазифаларининг ечилиши ва илмий кутубхоналар масаласида таҳлил қилиниши ҳам республика маданий ҳаёти ва маънавияти учун янгилик эди. Бу тарзда республика маданий қурилиши асосларидан бири бўлган кутубхоначилик иши ва унинг тарихи О.Қосимованинг монографияси натижасида фан даражасига кўтарилди.

---

22. Касимова А.Г. История развития библиотечного дела в Узбекской ССР и его роль в коммунистическом воспитании трудящихся (1917- 1975 гг.): Автореф. дисс. на соиск. учен. степени доктора ист.наук.- Т.: 1982.- 47 с.

Профессор О.Г.Қосимованинг Ўзбекистонда кутубхонашунослик фани, унинг назарияси, бу соҳа бўйича илмий-тадқиқот ишларининг аҳволи, уни такомиллаштириш масалаларига бағишланган, чунончи, республикада тўққизинчи[23] ва ўнинчи беш йилликларда[24] кутубхоначилик-библиографик муассасаларнинг илмий-тадқиқот ишлари, асосий йўналишлари, республика кутубхоначилик ишлари хусусиятлари[25] ва муаммолари[26] ёритилган қатор илмий мақолалари фанга қўшилган катта ҳиссадир.

Кутубхонашунослик кафедраси ўқитувчилари ижодида кутубхонашуносликнинг умумий масалаларига бағишланган муаммолар бирмунча муфассал ишланган дейиш лозим. Шундай асарлардан бири О.Қосимова ва Т.Ёсимовларнинг[27] китобчасидир. Асарда республикада амалга оширилган маданий инқилобнинг таркибий қисмларидан бўлган кутубхоначилик иши ва кутубхонашунослик фанининг шаклланиши, бу соҳада В.И.Ленин мероси, унинг ўрганилиши ва Ўзбекистонда рўёбга чиқарилиши фақат хос тарзда ёритилган. Тадқиқотчилар кутубхоналарнинг ижтимоий роли ва аҳолига кутубхоначилик хизмати кўрсатишни ташкил қилиш принциплари ва уларнинг республикада амалга оширилиш босқичларини оммабоп тарзда баён этишган.

Республикада кутубхонашунослик фанининг умумий масалалари ҳамда унинг айрим йўналишларини янада кенгроқ ёритадиган, кафедра ўқитувчилари жамоаси томонидан тайёрланган муҳим тадқиқот 1989 йилда[28] нашриётига етказилди. Умумий ҳажми 12 босма табоқ

---

23. Касимова А.Г. Развитие научно-исследовательской работы в библиотечно-библиографических учреждениях Узбекской ССР // Сов. биб-ние, 1975.- № 3.- С.37-46.
24. Касимова А.Г. Научные исследования в Узбекистане в 10-пятилетие // Сов.биб-ние, 1980.- № 3.- С.84-95.
25. Касимова А.Г. Особенности работы библиотек Узбекистана // Сов.биб-ние, 1982,- №4.- с.16-28.
26. Касимова А.Г. Библиотековедческие работы в Узбекистане: основные направления // Сов.биб-ние, 1987.- № 2.- С.67-71.
27. Қосимова О.Г., Т.Ёсимов. В.И.Ленин ва кутубхоначилик иши: Ўзбекистонда ленинча ғояларнинг амалга оширилиши.- Т.: Ўзбекистон, 1983.- 72 б.
28. Ўзбекистонда кутубхоначилик иши: Ўқув қўлланма // Проф. О.Г.Қосимова таҳрири остида.- Т.: Ўқитувчи, 1989.- 192 б.

дан иборат бу ўқув қўлланмасини яратишда кафедранинг энг тажрибали ўқитувчиларидан проф. О.Ҳосимова, доцент Т.Х.Жим, катта ўқитувчилардан Т.Ёсимов, А.П. Коваленко, Т.Шокиров, Д.Мамажоновалар қатнашган.

Тадқиқотчилар кутубхоначилик ишининг умумназарий масалаларини ёритар экан, унда аҳолига кутубхона хизматини кўрсатишнинг ягона тизимининг тарқиб топиши ва унинг асосий йўналишлари- қишлоқ ва шаҳар аҳолисига, болалар ва ёшларга кутубхона хизматини кўрсатиш тизимлари, давлат оммавий ҳамда бошқа тармоқ кутубхоналарининг марказлаштирилиши, худудий кутубхоначилик бирлашмалари ва депозитар кутубхоналар тизимининг яратилиш муаммолари, китобхонларга хизмат кўрсатиш назарияси, унинг услубиятларини ўрганиш ва яхшилаш, республикада китобхонларга адабиётларни тарғиб қилиш ва уларнинг усуллари, умуман китобхонларни ва уларнинг қизиқишини ўрганиш назарияси, шунингдек, республикада кутубхоналарга раҳбарлик қилиш тизимлари ҳар томонлама назарий ҳам амалий хулосаларда ёритилган. Қўлланма муаллифлари "Умумий кутубхонашунослик", "Ўзбекистонда кутубхона иши тарихи", "Китобхонларга хизмат кўрсатиш", "Кутубхона ишини ташкил қилиш ва бошқариш" курсидаги энг муҳим муаммоларни ёритиш орқали талабаларга ҳамда кенг кутубхоначилик жамоатчилигига ёрдам беришни мақсад қилиб қўйган.

Тадқиқ қилинаётган даврда (1975-1990 йиллар) кутубхоначилик ишининг энг муҳим масалаларидан бири- кутубхона тармоқларини марказлаштириш ва у билан боғлиқ муаммолар ҳисобланади. 1979 йилда ТошДД босмахонаси А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти махсус кафедралари ўқитувчиларининг илмий асарлари [29] тўпламини нашрдан чиқарди. Тўпламда клуб ва кутубхоначилик ишининг долзарб масалалари ёритилган бўлиб, "Кутубхонашунослик" кафедрасининг ўқитувчиси А.И.Герценова "Марказлаштириш шароитида Ўзбекистон кутубхоналарида китобхонларга

---

29 Вопросы клубной и библиотечной работы и развитие самодеятельного художественного творчества Узбекистана: Сб.научн. трудов ТашГУ.- Т., 1979, № 584.- 91 с.

хизмат кўрсатиш самарадорлиги масаласига доир" деган мақола билан чиқади.

Муаллиф марказлаштириш шароитида китобхонларга хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш масалаларини ўша даврда матбуот саҳифаларида эълон қилинган, шунингдек кутубхоналарнинг ҳисобот материаллари асосида ҳамда Тошкент шаҳар Чилонзор район МКТ тажрибалари негизида таҳлил қилади. Шунингдек мақолада МКТда ахборот-библиографик ишларнинг йўналишлари, китобхонларга табақалаштирилган асосда хизмат кўрсатиш, мутахассисларга ахборотни танлаб тарқатиш тизимини ташкил этиш, кутубхонадан ташқарида хизмат кўрсатишни уюштириш ва бошқа муаммолар ёритилган.

Тўпламда кафедра доценти И.А.Раҳимованинг "Ўзбекистонда илмий кутубхоналарнинг ривожланиш тарихидан (1917-1928 йиллар)"[30] деган мақоласи ҳам ўрин олган бўлиб, унда Туркистон ва Ўзбекистонда кутубхоналарнинг таркиб топиш тарихи, улар ишлаган шароит, моддий-техника негизи, кадрлар билан таъминланиш муаммолари ҳамда оммавий ва илмий кутубхоналар жамғармасини шакллантириш масалалари Ўзбекистон Давлат Архиви материаллари асосида ёритилади. Агар муаллифнинг 1973 йилда шу мавзуда ҳимоя қилган номзодлик ишини эслесак, мақолада деярли янги материалларнинг йўқлигини, фақат уларни бирмунча оммабоп шаклда ёритилганлигини қайд қилиш зарур.

Шу тўпламда "Техника воситалари ва информатика" кафедрасининг доценти Б.К.Каримовнинг "Мутахассисларга ахборот хизматини кўрсатишда УзНИИНТИнинг фаолияти"[31] деган мақоласи жойлашган.

И.А.Раҳимовадан фарқли ўлароқ, муаллиф ўзининг диссертация ишида (1974 йил)ги муаммоларни давом эттириб, шу вақтда Илмий Техника ахбороти ва иқтисодий техника тадқиқотлари Ўзбекистон илмий текшириш институти (УзНИИНТИ) билан бирлашиб келган Республика илмий техника кутубхонаси (РИТК)нинг 1974-1979 йил-

---

30. Рахимова И.А. Из истории развития научных библиотек в Узбекистане (1917-1928гг.) // Там же.- С. 35-44.
31. Каримов Б.К. Деятельность УзНИИНТИ в информационном обслуживании специалистов // Вопросы клубной и библиотечной работы. Т., 1979.- С.68-75.

ерлардаги фаолиятини таҳлил қилади. РИТКнинг биргаликдаги натижасида ягона маълумотнома-ахборот жамғармасининг барпо қилиниши, натижада корхоналар ва муассасаларга ахборот хизматини кўрсатишнинг яхшиланиши фактик материаллар асосида баён қилинади. Мақолада ахборот-библиографик хизматининг махсус (якка тартибда), гуруҳли, ахборотни танлаб тарқатишнинг гуруҳли ва жамоа тизими, корхоналарда ва ташкилотларда кўргазмалар уюштириш, обзорлар ўтказиш каби хилма-хил шакллари ва йўналишларига таҳлил берилган. Аҳамиятлиси шундаки, муаллиф мақолада ЎзНИИНТИнинг ахборот хизматини ташкил қилган ва улар берган тавсияларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши натижасида корхоналар ва муассасалар кўрган иқтисодий фойдаларни аниқ рақамларда очиб кўрсатган. Масалан, кутубхона томонидан биргина 1972 йилда ишлаб чиқаришга жорий этиш учун 2000 дан ортиқ илмий-техника янгиликлари, кашфиётлар ва илғор тажрибалар тавсия қилинган бўлса, уларнинг 400 таси жорий қилиниб, корхоналарга 8 млн. сўмдан ортиқ (ўша давр нархида) иқтисодий самара берган бўлса, Янгийўл шаҳри консерва заводидаги томатларни тарасиз ташиш усулини ўзининг шу хилдаги корхоналарига жорий қилган Фарғона ва Андижон ишбилармонлари 223 минг сўм иқтисодий самара олган ва ҳоказо.[32]

Тўпламда эълон қилинган мақолаларда республикада амалга оширилаётган давлат оммавий кутубхона тармоқларини марказлаштириш асосида қайта қуриш, уларнинг самарадорлигини ошириш, илмий-техника кутубхоналари фаолиятини фан-техника тараққиёти даражасида ташкил қилиш, кутубхоначилик ахборот хизматини такомиллаштириш жараёнида кутубхоналар ишини яхшилашнинг айрим томонларигина ўз аксини топган эди. Шундай бўлсада, Ўзбекистон кутубхоналаридаги мавжуд илғор тажрибаларни ўрганиш, жорий этиш, тарғиб қилиш бўйича қатор мақолаларнинг нашр қилинаётганлиги ва шу йиллар маълум даражада фаннинг ривожланаётганлигидан далолат берарди.

---

32. Текущий архив УзНИИНТИ, отчет 1977.- (библиография муаллиф мақоласидан олинди. Т.Е.).

1984 йилда кафедра ўқитувчиларининг "Ўзбекистонда МКСнинг фаолиятини оптималлаштириш"[39] номли тўплами босмадан чиқди. Тўплам биринчи марта республикада давлат оммавий кутубхона тармоқлари тўла марказлаштиришга ўтказилгандан сўнг эришилган ютуқ ва камчиликларни, илғор иш усулларини умумлаштиради, таҳлил қилади.

С.Қосимова ўзининг "Оммавий кутубхона тармоқларини марказлаштириш – Ўзбекистон кутубхоначилик қурилишида муҳим босқич" деган мақоласида кутубхона тармоқларини марказлаштиришнинг назарий асослари ва улар фаолиятининг асосий йўналишларига урғу берса, катта ўқитувчи А.Н.Коваленко ҳали республикада амалга оширилмаган, лекин келгусида юзага келиши лозим бўлган кутубхона шохобчаларини соҳавий ва тармоқлараро марказлаштиришнинг назарий асослари ҳақида фикр юритади. Ўқитувчи Д.Мамаконованинг мақоласида марказлаштириш шароитида МКТнинг ягона жамғармасини барпо қилиш муаммолари баён қилинса, доцент Т.К.Ким, ўқитувчилар А.М.Герценова, Д.Н.Мавлоноваларнинг тадқиқотларида китоб тарғиботи, уларнинг хусусиятлари, китобхонларга ахборот-библиографик хизмати кўрсатиш тизимини вужудга келтириш ва ташкил қилиш масалалари таҳлил қилинган.

Катта ўқитувчи Т.Есимовнинг мақоласи МКТда ташкилий-услубий раҳбарлик масаласига бағишланган бўлиб, услубий-библиографик бўлимининг ташкил қилиниши, методист ходимлар фаолиятининг асосий йўналишлари таҳлил қилинади. Ўқитувчи Р.Н.Донарацкаянинг мақоласи ҳозирги вақтдаги энг долзарб муаммолардан бири – "Китоб тарғиботида кутубхоналар ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро ҳамкорлиги" бағишланган ва республикада бу соҳада тўпланган тажрибалар умумлаштирилиб, уни такомиллаштириш йўллари кўрсатилади.

---

39. Оптимизация деятельности ЦБС Узбекистана: Уч. пособие.– Т., 1984.– 80 с.

Тўпламда институтнинг илмий ишлар бўйича проректори А.М. Мухамедовнинг "МКТ фаолиятини бошқариш" номли мақоласи ҳам ўрин олган. Тўплам республикадаги давлат оммавий кутубхона тармоқларининг тўла марказлаштирилиши амалга оширилгандан сўнг биринчи марта улар фаолиятининг турли томонларини таҳлил қилиши, умумлаштириши билан қимматлидир.

1982 йилда "Болалар адабиёти ва кутубхоначилик ишлари" кафедрасининг катта ўқитувчиси Э.Йўлдошев ўзининг "Ўзбекистонда болаларга кутубхоначилик хизматининг кўрсатилиши: шаклланиши, ривожланиши, истиқболлари" мавзусида номзодлик ишини ҳимоя қилади. Унинг негизига кафедра доценти Эгамов Х. билан ҳамкорликда яратилган "Болалар китобхонлиги ва маънавий камолот"[34] китобчаси, шунингдек, шу йилда эълон қилинган муаллифнинг "Болалар кутубхонасида китобхонлар ўқишига раҳбарлик қилиш"[34] номли рисоласи асос қилиб олинган.

Э.Йўлдошев республикада биринчи марта болаларга кутубхоначилик хизматининг кўрсатилишини махсус, атрофлича таҳлил қилган ва маълум даражада уни ниҳоясига етказган шахсдир. Муаллиф институтнинг махсус кафедрасида ишлаган қатор йиллар давомида болалар адабиёти, китобхонлар билан ишлаш, китобхонлар қизиқиши ва улар руҳиятини ўрганиш масалалари билан бевосита шуғулланиб, уларни талабаларга ўқитиш ҳамда улар билан амалий ишлаш жараёнида етилтириб, тажрибада синаб кўрган ва уларни ўзининг илмий ишида назарий ва амалий асослашга уринган. Муаллиф болалар китобхонлиги, уни ташкил қилиш муаммоларини мактабгача тарбия муассасаларидаги ишларсиз тасаввур қила олмайди, уларни ажратмасдан узлуксиз ўқишга ўргатиш жараёнининг бошланғич нуқтаси сифатида қарайди. Сабаби, китобга бўлган меҳр билимга эътиқод, кўпинча болаларда айнан ана шу лаҳзалардан бошланади.

---

34. Эгамов Х., Йўлдошев Э. Болалар китобхонлиги ва маънавий камолоти.- Т.: Ўқитувчи, 1981.- 24б.

35. Йўлдошев Э. Болалар кутубхонасида китобхонлар ўқишига раҳбарлик қилиш.- Т.: 1981.- 32 б.

Болалар ўқишига раҳбарлик қилиш, улар ўқишини бошқариш, унинг мақсади, вазифалари, принциплари, услуб ва шакллари муаллифнинг юқорида қайд қилинган иккинчи рисоласида баён қилинади.

Ёш авлоднинг тарбиясида қатнашадиган муассасалар тизимида мактаб кутубхоналари алоҳида ўрин олади, сабаби, бу кутубхоналар давлат оммавий кутубхоналаридан кейинги энг кўп тарқалган муассасалар ҳисобланади. Мактаб кутубхонасининг болалар ва ёшларни тарбиялашдаги роли ва вазифалари, аҳамияти, уларнинг ишини ташкил қилиш, жамғармаларини шакллантириш, китобхонлар билан ишлаш ва ўқишига раҳбарлик қилиш муаммолари Э.Йўлдошевнинг Э.Т.Исломов билан ҳамкорликда яратган "Мактаб кутубхонасининг иши"[36] номли қўлланмасида ўз аксини топган. Қўлланма Ўзбекистондаги бу хилдаги ягона нашр бўлиб, собиқ Иттифоқнинг марказий нашрларидан кенг фойдаланилган ҳолда, қисман республика хусусияти ҳисобга олиниб ёзилган. Муаллифлар гарчи қўлланманинг кириш қисмида Қашқадарё, Наманган, Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри болалар кутубхоналари фаолиятини таҳлил қилиш ва кутубхоначи ходимларни сўроқ қилиш материалларидан фойдаланилган дейилган бўлсада, рисолада фақат Тошкент шаҳри болалар кутубхоналари тўғрисида маълумотлар келтирилган, кўп ҳолларда маҳаллий материаллар сунъий киритилган, асосий мисоллар рус муаллифлари китобларидан берилган. Шундай бўлишидан қатъий назар, қўлланма мактаб кутубхоналарининг фаолияти тўғрисида ягона, улар ишини ташкил қилиш масаласида андоза сифатида муҳим аҳамиятга эга.

80-йилларда республика кутубхонашунослик фанининг ривожланиши белгиларидан бири сифатида унинг луғавий асосларининг янги нашр билан бойитилиши эди. Бу даврга келиб, О.Қосимова ва Б.Қодировалар[37] томонидан тузилган ўзбек тилидаги биринчи "Кутубхонашунослик ва библиографияга оид терминларнинг қисқача

36. Исламов Э.Т., Юлдашев Э.Ю. Работа школьной библиотеки: Методич.пос.- Т., 1989.- 96 с.

изоҳли луғати" (Т., 1970 й.) нашри ҳажман жуда кичик бўлиб (400 терминни ўз ичига олган эди), кутубхонашунослик назарияси ва кутубхоначилик амалиётидаги кўплаб ўзгаришларни акс эттира олмас эди. Маълум даражада шу камчиликни 1976 йилда "Книга" нашриётида чоп этилган "Кутубхоначилик терминлари луғати"[37] тўлдирар эди. Бу кундан кунга кўпайиб бораётган кутубхоначилик терминларини луғавий тартибга келтириш вазифасини амалга оширган, рус тилидаги ўша даврнинг энг мукаммал ва кутубхонашунослик фанининг энг сўнгги ютуқларини акс эттирган нашр эди. Луғатда кутубхона, кутубхоначилик иши, кутубхонашунослик, кутубхоналар ишини ташкил қилиш, кутубхона жамғармалари ва каталоглари, китобхонларга хизмат кўрсатиш, ўқиш муаммолари каби тушунчаларни муфассал акс эттирувчи 500 дан ортиқ терминлар жамланган. Луғатдаги кутубхонашуносликка оид терминлар силсиласини тўла ёритиш мақсадида тузувчилар мақолаларнинг учта - йирик, ўрта ва кичик туркумидан фойдаланганлар. "Кутубхона", "Кутубхона жамғармаси", "кутубхона каталоглари" каби энг муҳим, бошқаларга негиз бўладиган тушунчалар йирик мақолаларда ёритилиб, уларда тушунчанинг таърифи, масаланинг назарий ва амалий, томонлари, истиқболлари бошқа тушунчалар билан алоқаси тарихий маълумотлар, маълумотнома аппарати ва бошқалар очиб берилади. Ўртача мақолаларда ("Бошланғич тўлдириш", "Китоб йўли", "Кутубхона филиали" каби) тушунчанинг таърифи, унинг мазмуни ва маълумотнома аппаратининг сиқиқ таърифи берилади. Кичик мақолалар тушунчанинг таърифи билан чекланади.

Афсуски, ўзбек тилида бундай луғат ҳали тузилмаган эди. Мана шу "бўшлиқни" биринчи тўлдиришда институтнинг тилшунослик кафедраси олимлари Х. Абдурахмонов, Й. Маҳмудов, Р. Шукуровлар томонидан тайёрланган "Маданий-оқартув ходимлари учун қисқача изоҳли луғат"[38] муносиб ўрин эгаллайди. Луғатда кутубхонашунослик ва библиография, китобшунослик, маданий-оқартув

37. Словарь библиотечных терминов / Под общ. ред. О. С. Чубарьяна.- М.: Книга, 1976.- 223 с.

38. Абдурахмонов Х. ва бошқ. Маданий-оқартув ходимлари учун қисқача изоҳли луғат / Х. Абдурахмонов, Й. Маҳмудов, Р. Шукуров.- Т.: Ўқитувчи, 1983.- 142 б.

валари, мусиқа, хореография, театр ва кино санъатига оид терминлар, маданият тушунчаси остида бирлаштирилиб, умумий алифбо тартибида жойлаштирилган ва изоҳланган.

Луғатда жами 1500 дан ортиқ маданият тушунчалари бўлса, шундан 700 га яқини кутубхонашунослик, библиографияшунослик ва китобшунослик масалаларига бағишланган. Бу терминлар жуда қисқа ва ихчам тарзда изоҳланган. Гарчи муаллифлар ўзларидан олдинги луғатлардан фойдаланганликларини қайд қилмаган бўлсада (шу жумладан 1976 йилги русча луғатдан ҳам) кутубхонашуносликнинг ўша даврдаги энг муҳим асосий терминлари назардан четда қолдирилиб, иккинчи, учинчи даражадаги тушунчалар кириб қолган. Масалан, "кутубхона ишини ташкил қилиш ва бошқариш", "раҳбарлик қилиш" тушунчалари, кутубхоначилик ишини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими ", "кутубхоначилик технологияси", цикллар, жараёнлар, операциялар, "кутубхоналарда меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш, "меҳнатни нормалаштириш", "кутубхонанинг иш вақти бюджети", "кутубхона ишини режалаштириш", "йиллик истиқболли режалар", "кутубхона ишини башорат қилиш", "кутубхона ҳисоботи ва унинг турлари", "кутубхоналарни ва кутубхоначилик ишини маблағ билан таъминлаш", "кутубхоначилик иқтисодиёти", "кутубхоначилик иш самарадорлиги", "кутубхоначилик ишини мувофиқлаштириш ва кооперациялаш улар фаолиятини уйғунлаштириш", "кутубхоналарнинг ахборот ишлари","ахборотни танлаб тарқатиш", "китобхонларга табақалаштирилган асосда хизмат кўрсатиш", "болалар ўқиши", "китобхонларга кутубхонадан ташқарида хизмат кўрсатиш", "кутубхонанинг китоб жамғармаси ядроси", "кутубхона жамғармасини тўлдириш", "тўлдиришни мувофиқлаштириш", „кутубхоналарни китоб билан таъминлаш тизими", "кутубхона жамғармасини ўрганиш", "жамғармани депозитар сақлаш ва депозитар кутубхоналар тизими", "кутубхона жамғармасини жойлаштириш", "каталоглаштириш", "классификациялаш", "босма асарларни тавсифлашнинг ягона қоидалари", "бош каталог" каби кўплаб кенг қамровли тушунчалар қолиб кетган. Бундай бўлишининг асосий сабаби, биринчидан, муаллифларнинг бошқа соҳа

мутахассислари -филологлар бўлганлиги бўлса, иккинчидан, уларнинг кутубхонашунослар билан ҳамкорлик қилмаганлигидир. Бу камчиликларнинг қатъий назар, тилшунослар лугатни тузишда катта жонбозлик кўрсатишган, бу билан кутубхоначиларга, талабаларга кутубхонашунослик терминларининг моҳиятини тушуниб етишга ва уларни амалда ишлатишга ёрдам берган, фан ривожига ҳисса қўшган[38].

Аталмиш даврда кутубхонашунослик кафедраси ўқитувчилари томонидан Ўзбекистонда кутубхоналар ишини ташкил қилиш ва бошқариш масалалари ҳам маълум даражада ўрганилган ва ишлаб чиқилган. Жумладан, кафедранинг катта ўқитувчиси А.П.Коваленконинг 1984 йилда "ЎзССРда кутубхоначилик иши: бошқариш ва ташкил қилиш масалалари" деган[39] ўқув қўлланмаси нашрдан чиқди. Унда кутубхоналарга давлат ва услубий раҳбарликни ташкил қилиш, илмий-тадқиқот ишларининг тараққиёти ҳамда кутубхоналарда меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш масалалари баён қилинади. Мазкур муаммолар Ўзбекистон хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда кутубхоналар тажрибалари асосида ёритилганлиги билан аҳамиятлидир.

Кутубхоналар ишининг бошқарилиши, кутубхоначилик ишини истиқболли режалаштириш ва башорат қилиш каби кутубхоналар ишига раҳбарлик қилишнинг муаммолари Э.Г.Исламов, Т.Б.Эсимов, А.П.Коваленколарнинг[40] услубий тавсияномаларида ўз аксини топган. Рисоланинг хусусияти кутубхоналарни бошқариш назариясини ёритиш эмас, балки кутубхоналарни маданий-маърифий муассаса сифатидаги фаолиятини ташкил этишнинг муҳим қирраларига доир амалий тажрибаларни кўрсатиш ҳамда республикада кутубхоначилик ишини давлат бошқарувининг характерли хусусиятларини очиб кўрсатишдир. Тавсияноманинг аҳамияти биринчи марта Ўзбекистонда юқорида қайд қилинган муаммоларни кенг жамоатчиликка ҳавола қилишидадир.

---

39. Коваленко А.П. Библиотечное дело в Узбекской ССР: вопросы управления и организации: Учебн.пос.- Т., 1984.- 51 с.

40. Исламов Э.Г. ва бошқ. Ўзбекистонда кутубхоначилик ишини ташкил этиш ва бошқариш масалалари: Методик тавсиянома.-Т., 1989.- 62 б.

Собиқ Иттифоқда ва республикамизда кутубхонашунослик фани ва кутубхоначилик иши эришган ютуқлар натижасида 80- йилларнинг иккинчи ярмида кутубхоначилик касбига, китоб ва китобхон ўртаси - даги воситачи сифатидаги кутубхоначининг шахсига эътиборни қаратиш, жамиятда кутубхоначиликнинг нуфузини кўтариш, уларни талаб даражасида тайёрлаш асосида кутубхонашунослик тафаккурини ривож - лантириш масаласи етакчи оқимлардан бирига айланди. Ана шу муаммо кутубхонашунослик кафедрасининг катта ўқитувчиси, фан номзоди И.М.Троицкаянинг "Кутубхоначилик касби: истеъдод босқичлари"[41] деган мақоласида ўз аксини топди.

Муаллиф кутубхоначилик касбига хос бўлган энг умумий хусусиятларини, унинг қадимийлигини, инсонпарварлигини, айни вақтда кўп қирралигини, шунинг учун унга ҳавас қилишнинг ўзи камлик қилишини, балки ушбу касбга ҳақиқий меҳр-муҳаббат бўлиши зарурлигини жаҳондаги машҳур кутубхоначилар фаолияти мисолида баён қилиб берди. Тадқиқотни кўздан кечирар эканмиз, республика фани ва кутубхоначилик ишининг ривожига ўзларининг қимматли, айни вақтда муносиб, катта ҳиссаларини қўшган кутубхоначилар плеядасини, чунончи, Е.Х.Беттгер, Н.А.Буров, А.А.Гаррицкий, И.В.Виридарский, М.П.Аварова, А.И.Агеев, Ф.Н.Балбекова, Л.К.Бартошевская, П.А.Баранов, Т.И.Крылова, М.Н.Латипова, О.В.Маскова, Е.Д.Свидина, М.У.Урозова, Л.В.Бонштейн, Ф.Д.Манасипов, И.Д.Сухина, Т.Содиқов ва бошқаларни эслаб кишида ғурур, улар шахсига чексиз миннатдорчилик ҳисси уйғонади, ёки уларнинг назарий ва амалий билим ва тажрибаларини мутахассисларга ва бўлғуси кутубхоначи ходимларга ўргатишдан толмайдиган кутубхонашунос олимлардан Б.Б.Абрамов, Н.Х.Асфандиёров, Э.А.Бахарская, Е.Д.Беленкая, К.К.Васильева-Чеботарева, С.И.Кейзер, Е.Я.Киткович, А.И.Кормилицин, З.Морозова, С.Н.Моторина, З.А.Николаева, М.Н.Носирова, М.Ю.Маркизова, Н.Г.Умаров, И.Х.Хусанхўжаев, К.А.Кабанова, В.В.Соколова, Г.И.Афанасьев, Т.С.Каримов ва

---

41. Троицкая И.М. Кутубхоначилик касби: истеъдод босқичлари // Ўзбекистон кутубхонашунослиги: Кутубхоначилик иши назарияси ва практикасига оид мақолалар тўплами.- Т.:1986.- Б.77- 93.

кўпгина бошқа кишилар ҳозирги давр кутубхоначилик иши намояндалари бўлиб, уларнинг ҳаёти ва фаолияти республика кутубхоначилик ишининг тараққиёти билан узвий боғлиқдир.

Муаллиф юқорида санаб ўтилганларнинг кўпчилигининг шахсий архивларини ўрганиш, таҳлил қилиш асосида қизиқарли ва ибратли хулосалар чиқаради, кенг кутубхоначилар оммасини ва ёшларни кутубхоначилик касбининг сир-асроридан хабардор қилади, камтарин ҳам зарур касбнинг жамиятдаги ўрнини улуғлайди, шарафлайди.

1987 йилда шу муаллиф томонидан тузилган "СССРда кутубхоналар типологияси"[42] номли ўқув-услубий қўлланма эълон қилинди. И.М. Троицкая бу қўлланмасида кутубхонашуносликнинг энг долзарб ва мураккаб ҳисобланган – кутубхоналар туркуми ва турлари муаммосини талабаларга оммабоп шаклда тушунтириб беришга ҳаракат қилган. Унда кутубхоналарни туркумларга ажратишнинг ҳозирги замон масалалари, уларнинг асосий туркумлари, классификацияси собиқ СССР ва Ўзбекистон мисолида ёритилади, шу соҳа мутахассисларининг муаммони назарий ишлаб чиқиши, уларнинг қиёсий таҳлили, туркумларга ажратишнинг мезонлари ва вазифалари кўрсатилади. Бу муаммони республика кутубхоналари мисолида ишлаб чиқишга ўз ҳиссаларини қўшган олимлардан О.Т.Қосимова, А.И.Кормилицин, М.А.Раҳимова, Б.М.Каримов, Э.Йўлдошев ва бошқаларнинг фаолиятига тўхталиб, ҳозирги кунда Ўзбекистон кутубхоналари туркумларига ҳар томонлама таъриф беради, умумлаштиради, Тошкент шаҳар кутубхоналарининг туркумий бўлиниши жадвалини ишлаб чиқади. Қўлланма бундан ташқари I-босқич талабаларига муаммони чуқур ва атрофлича ўрганиш учун семинар машғулотлари мавзуларини, уларга тайёргарлик кўриш бўйича услубий кўрсатмалар, адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган.

1989 йилда И.М.Троицкая таниқли кутубхонашунос ва библиограф, китобшунос ва тарихчи олим Е.К.Бетгернинг 100 йиллигига бағишлан-

---

42.Типология библиотек СССР: Учеб.пос. /Сост.И.М.Троицкая.– Т.: 1987.– 29 с.

йэн А.Навоий номидаги Узбекистон Миллий кутубхонасининг юбилей туплямида "Евгения Карлович Бетгер ва "Туркистон туплами"[43] деган илмий мақола билан чиқди. Унда XIX асрнинг иккинчи ярмидан то эктябрь инқилобигача булган даврда Туркистон ва Урта Осиё тарихини урганиш буйича битмас-туганмас манба хисобланган "Туркистон туплами"ни оммалаштиришда, унинг моҳиятини тадқиқотчилар ва келажак авлодга етказишда Е.К.Бетгернинг роли ҳар томонлама тадқиқ қилинади. Мақолада Е.К.Бетгернинг "Туркистон тупламига" у ёки бу тарзда боғлиқ булган 100 дан ортиқ нашр қилинган ва эълон қилинмаган 50 дан ортиқ материаллари мавжудлиги, унинг тадқиқотчи сифатида ишга бутун вужуди билан берилган одам эканлигини билиб оламиз. Унинг виждонан, синчковлик ва пухталик билан олиб борган меҳнати, сермашаққат изланишлари натижасида Москвада "Туркистон туплами"-нинг 29 томи топилиб, унга киритилган 1000дан ортиқ манбалар аниқланган. 1959 йилда Е.К.Бетгер бу томларга муаллифлар ва шахсларнинг алифболи руйхати иловаси билан предметли-мавзули курсаткич тузади. Е.К.Бетгернинг катта инсонпарварлик хизмати шундаки,унинг жонбозлиги натижасида "Туркистон туплами" нафақат Урта Осиё республикалари, балки у билан ёндош бошқа давлатлар- Афғонистон, Ҳиндистон, Хитой, Жунғария, Муғулистон, Россия мамлакатлари 1948 йилда у томонидан тузилган "Собиқ Туркистон улкаси билан ёндош мамлакатларга тааллуқли томларнинг курсаткичи" ёрдамида тадқиқотчиларнинг урганиш манбаи булиб қолди. Муаллиф Е.К.Бетгернинг фан олдидаги катта хизматларини таъкидлар экан, унинг инсонийлик жиҳатларига купроқ эътиборни жалб қилади, бунда унинг замондошлари фикрларига суянади. Шуни таъкидлаш зарурки, Е.К.Бетгер ва "Туркистон туплами" мавзуси янги булмасдан, балки у тадқиқотчилар томонидан у ёки бу шаклда қатор йилларда ёритилиб келмоқда. И.М.Троицкаянинг мақоласи эса узига хослиги билан ажралиб туради ва бу тадқиқот объектининг жуда бойлигидан, кенг қамровли эканлигидан далолат беради.

---

43. Троицкая И.М. Евгения Карлович Бетгер ва "Туркестанский сборник" //Библиотековедение Узбекистана: Сб. статей посв. 100 летию со дня рождения Е.К.Бетгера.- Т.:1989.- с.63-72.

80- йиллар тадқиқотчилари фаолиятида кутубхона тармоқларини марказлаштириш масаласи асосий йўналишлардан бири бўлгани маълумдир. Марказлаштирилган кутубхоналар тизими шароитида китобхонларга хизмат кўрсатишга оид бир туркум ишлар кутубхонашунослик кафедрасининг мудири, фан номзоди М.М.Расуловга тааллуқлидир. Тадқиқ қилинаётган даврда у Ўзбекистон Маданият вазирлигида Кутубхоналар бошқармасининг етакчи мутахассиси вазифасида ишлар эди. М.М.Расулов 1987 йилда "МКТда оммавий қишлоқ хўжалик касби меҳнаткашларига хизмат кўрсатишни такомиллаштириш" (Ўзбекистон материаллари асосида) мавзусида номзодлик ишини ҳимоя қилди. Муаллиф Ўзбекистондаги энг оммавий касб эгалари- бригадирлар, звено бошлиқлари, механизаторлар, шоферлар, деҳқонлар, чорвадорлар ва бошқаларга кутубхона хизматини ташкил қилишнинг аҳволи, хусусиятлари, уни яхшилаш йўллари, муаммоларини ўзига хос тарзда тадқиқ қилган. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида унинг айрим томонларига бағишланган, чунончи, "Қишлоқ меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялашда қишлоқ кутубхонаси- марказлашган кутубхона тизими филиалининг роли"[44], "МКТ шароитида оммавий қишлоқ хўжалик касбидаги меҳнаткашларга хизмат кўрсатиш"[45], "ЎзССР қишлоқ аҳолисига ахборот-библиографик хизмат кўрсатишни такомиллаштириш муаммолари"[46] каби қатор илмий оммабоп мақолалари эълон қилинган. Бу тадқиқотлар қишлоқ аҳолисини кутубхона хизмати билан қамраб олиш, уларнинг умумтаълим ҳамда касбий савиясини, маданиятини ошириш асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш муаммоларини ечишга маълум даражада қўшган ҳиссаси билан аҳамиятлидир.

Муаллифнинг 1989 йил 31 октябрь- 2 ноябрьда Тошкентда ўтган Ўрта Осиё ва Қозоғистон маданият ходимлари малакасини ошириш институти ва курслари ходимларининг худудий илмий-амалий анжуманида қилган маърузаси "Кутубхоналар фаолиятини қайта қуриш муаммолари: уларнинг малака тизимидаги аҳамияти"[47] мавзусига бағишланган бўлиб, янги ижтимоий-иқтисодий шароитда кутубхоналар ишини ташкил қилиш, хусусан, кутубхоналарда бригада пудра-

---

44. Ўзбекистонда кутубхонашунослик: кутубхона иши назарияси практикасига оид мақолалар тўплами. 15-чиқ.- Т.,1983.-Б.37-44.

45. Уша жойда.- Т.,1985.- Б.116-123.

46. Уша жойда.- Т.,1986.- Б.39-45.

47. Проблемы перестройка учебно-воспитательного процесса в институтах и на курсах повышения квалификации работников куль-

тини жорий қилиш, хўжалик ҳисобига ўтказиш муаммолари[47], китоб тарғиботининг янги усулларидан фойдаланиш каби долзарб масалалар қамраб олинган, бу ишлар асосидан илғор кутубхоналар тажрибалари, камчиликлар, уларни тугатиш йўллари батафсил ёритилган.

Ўрганилаётган даврда яна бир муҳим муаммо- мактаб ўқитувчиларига кутубхона хизматини кўрсатиш масалалари кафедранинг катта ўқитувчиси М.Х.Маҳмудов (1993 йилга қадар Маданият ходимлари малакасини ошириш Республика институтида ишлаган) томонидан ишлаб чиқилган. М.Х.Маҳмудов 1990 йилда Москва Давлат маданият институти негизида "Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларига кутубхоначилик хизматини кўрсатиш: ҳозирги аҳволи ва ривожланиш истиқболи" (Ўзбекистон материаллари асосида)[48] мавзусида номзодлик илмий ишини ҳимоя қилади. Муаллиф ўз тадқиқотига умумтаълим мактаблари ўқитувчиларига кутубхоначилик хизматини кўрсатишни такомиллаштириш йўлларини асослаб бериш мақсадида унинг асосий босқичларини аниқлаб, ўқитувчиларнинг китобхон сифатида ижтимоий-демографик, руҳий- педагогик қизиқишларининг шаклланиш омилларини ўрганади, умумтаълим мактаблари педагогларига кутубхоначилик хизматини кўрсатишнинг бир бутун тизимини яратиш ва такомиллаштиришнинг ташкилий-услубий шарт-шароитларини очиб беради.

Мавзуни давом эттира бориб, муаллиф 1989 йилда мактаб ўқитувчиларига кутубхона хизматини кўрсатиш бўйича тавсиянома[49] ишлаб чиққан бўлиб, унда социологик тадқиқотлар асосида ўқитувчиларга хизмат кўрсатувчи кутубхоналарнинг ҳозирги аҳволи, имкониятлари, ўқитувчи-китобхонларнинг баъзи бир ўзига хос хусусиятлари ўрганилган.

М.Х.Маҳмудовнинг юқорида қайд қилинган илмий-амалий анжуманда қилган маърузаси "Кутубхона ходимларининг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш- ўқитувчи-китобхонларга олий даражада хизмат кўрсатиш гарови сифатида" деган мавзуга бағишланган. Унда биринчи

---

47. ...левони, туры Средней Азии и Казахстана: Материалы научно-практической конф.- Т., 1990.- С.115-124.

48. Махмудов М.Х. Библиотечное обслуживание учителей общеобразовательной школы: современное состояние и перспективы развития на материалах УзССР//Автореф.дисс.на соиск.учен.степ.канд.пед. наук.-М., 1990.- 16 с.

49. Махмудов М. Мактаб ўқитувчиларига кутубхона хизмати кўрсатиш: Методик тавсиянома.- Т., 1989.- 47 б.

марта республикада ўқитувчиларга кутубхоначилик хизматини кўрсатишнинг тарихий тажрибаси умумлаштирилади, уларга хизмат кўрсатиш тизимида турли тип ва турдаги кутубхоналарнинг ўрни ва аҳамияти, шунингдек, ўқитувчиларнинг китобхонлик талаби очиб берилади.

Муаллифнинг Республика илмий-педагогика кутубхонаси етакчи методисти билан ҳамкорликда яратилган услубий тавсияномаси[50] ўқитувчиларга хизмат кўрсатишда бевосита мактаб кутубхоналарининг ўрни ва роли масаласига бағишланади. Тавсиянома муаллифнинг мактаб кутубхоналарида ўтказган социологик тадқиқотлари натижаларини умумлаштириб, мактаб кутубхоналарини янада яхшилаш чоралари, хусусан, шу типдаги кутубхоналарни марказлаштириш муаммолари ёритилади.

1988 йилда институтнинг "Кутубхона фондлари ва каталоглари" кафедрасининг катта ўқитувчиси М.А.Зупарова (ҳозир С.Петергбургдаги Маданият институтида ишламоқда) ўзининг "Миллий- рус икки тиллилиги шароитида систематик каталог: ташкил қилиш муаммолари ва такомиллаштириш йўллари" мавзусидаги ишини ҳимоя қилди. У собиқ Иттифоқда биринчи марта системали каталогни ташкил қилишда турли тиллардаги мазмуни бир хил нашрларни бир жойда акс эттириш масаласини назарий ҳам амалий жиҳатдан асослаб берди. Шу борада унинг марказий нашрларда эълон қилинган "Алоҳидами? Йўқ ягона!"[51], "Системали каталогда кўп тилли совет адабиётларининг акс эттирилиши"[52] деган илмий-назарий мақолалари аҳамиятлидир. Агар дастлабки мақолада Тошкент шаҳридаги оммавий кутубхоналарда кўп тилли ягона системали каталогни тузиш тажрибалари, уларнинг ютуқ ва ... муаммолари ёритилган бўлса, иккинчисида масала анча кенг доирада, яъни Иттифоқдаги бундай тажрибалар умумлаштирилади, муаммонинг тарихий таркиб топиши, шунингдек, тадқиқотчи ўзи тарқатган анкеталарга олинган жавоблар таҳлил қилинади, тегишли хулосалар чиқарилади.

50. Маҳмудов М.Х., Абдураззоқова Г.С. Мактаб кутубхонаси ва ўқитувчиларга кутубхона хизмати кўрсатиш: Мактаб кутубхоначилари учун методик тавсиянома.- Т., 1992.- 30б.

51. Зупарова М.А. Раздельные? Нет единые" // Библиотекарь.-1986.- № 12.- С.44-45.

52. Зупарова М.А. Отражение многоязычной советской литературы в систематическом каталоге // Сов.библ-ние. 1988.- № 1.- С.55-60.

Муаллифнинг таъкидлашича, кўп тилли ягона системали каталогни ташкил қилиш ва ёритиш услубиятига аҳолининг миллий маданияти - нинг ривожланиш даражаси ҳамда миллий- рус икки тиллиликнинг кенг тарқалиши таъсир кўрсатади. Демак, кутубхонага келган китобхон она тилидан ушта бир ёки бир неча тилларни биладиган бўлса, системали каталогнинг тегишли бўлимидан бошқа тиллардаги шундай мавзуидаги нашрларни кўп куч ва вақт сарфламасданок топа олади.

Ягона системали каталог барпо қилиниши натижасида айрим тиллардаги алоҳида каталоглар (ўзбек, рус ва бошқа тиллардаги) тузишга ҳожат қолмайди. Шундай қилиб, кўп миллатли республика шароитида ягона системали каталог ташкил қилиш назариясининг яратилиши, уларни ёритиш услубиятининг ишлаб чиқилиши Ўзбекистон олимларининг кутубхонашунослик фанига қўшган муносиб ҳиссаси бўлиб қолади.

Системали каталог тузиш назарияси ва амалиёти масалаларига бағишланган яна бир иш шу кафедранинг катта ўқитувчиси Н.Каттахўжаева томонидан амалга оширилган. 1990 йилда муаллифнинг "Совет кутубхоначилик классификацияси бўйича ҳужжатларни системалаштириш"[53] номли ўқув қўлланмаси нашр қилинади. Қўлланманинг мақсади каталоглаштириш курсининг мураккаб қисми ҳисобланган ҳужжатларни системалаштириш ҳамда системали каталог тузиш масалаларини оммабоп шаклда ёритиб, талабалар ва шу иш билан шуғулланувчи кутубхона ходимларига ёрдам беришдир. Қўлланма каталоглаштириш назарияси ва амалиётидаги сўнгги ютуқлар ҳисобга олинган ҳолда яратилган.

Кутубхонашунослик кафедраси доценти Э.О.Охунжоновнинг тадқиқот объекти китоб ва китобшунослик масалаларидир. У 1979 йилда Москва матбаачилик институтида "ЎзССРда китоб нашр қилиш ишининг шаклланиши ва тараққиёти (асосий босқичлар ва етакчи оқимлар"[54] мавзуида номзодлик ишини ҳимоя қилган бўлиб, ундан олдин "Ўзбекистонда китоб ва китоб иши: Ўзбекистоннинг китоб иши бўйича адабиётлар обзори ва манбалар кўрсаткичи (1875-1977 йиллар" номли

---

53. Каттахўжаева И. Совет кутубхоначилик классификацияси бўйича ҳужжатларни системалаштириш: Ўқув қўлланма.- Т.: Ўқитувчи, 1990.- 48 б.

54. Ахунджанов Э.А. Становление и развитие книгоиздательского дела в Узбекской ССР: Основные этапы и ведущие тенденции: Авт. реф. на соиск. учен. степени к. филол. наук.-М., 1977.- 24 с.

рисоласини[55] ёзган. Унда муаллиф республикада биринчи марта ўзбек китоб иши бўйича 1875-1977 йилларда рус ва ўзбек тилида нашр қилинган X-XX асрлар мобайнида пайдо бўлган энг муҳим босма асарларнинг танқидий обзорини ҳамда унинг тадрижий таҳлилини берган. Рисола ўзбек китоб иши манбалари бўйича обзордан бошланиб, X-XVII асрларда Ўрта Осиёда китобат маданияти тарихи муаммоларини қамраб олувчи мавзулар - китоб нашр қилиш тарихи, матбаачилик, китоб савдоси, кутубхоначилик иши ва библиография бўйича материаллар билан тугалланади. Асарда 1875-1977 йилларда кутубхоналар ва кутубхоначилик иши тарихи, унинг назарияси юзасидан эълон қилинган адабиётларнинг деярли тўла қамраб олиниши, маълум даражада таҳлил қилиниши мавзу учун алоҳида аҳамият касб этади.

1982 йилда З.И. Есенбаев ва Э.О. Охунжоновлар ҳамкорлигида ёзилган "Ассалом, китоб"[56] номли монография нашрдан чиқади. Унда муаллифлар Туркистонда матбаачилик ишининг вужудга келиши, унинг Совет Ўзбекистонида тараққий этиш муаммоларини катта ижодий жўшқинлик, ҳамда ғурур билан ҳикоя қилади. Матбаачиликнинг ютуқ ва камчиликлари, бугунги аҳволи ва унинг истиқболи фактик материаллар асосида ёритилади.

Э. Охунжоновнинг "Хат ва китоб"[57] номли рисоласи Ўрта Осиёда ёзув тарихи ва қўлёзма китобларнинг пайдо бўлиши масаласига бағишланган. Муаллиф археографик, нумизматик ҳамда эпиграфик маълумотлар асосида Ўрта Осиё халқларининг қадимда ва ўрта асрларда ишлатган хилма-хил ёзувлари тизими ҳамда қўлёзма китоблари ҳақида баён қилади. Рисолада Ўрта Осиёда қоғоз ишлаб чиқарилиши, у билан боғлиқ бўлган касб-ҳунар эгалари, меҳнати ҳақида жуда қимматли маълумотларга ўрин берилган.

---

55. Ахунджанов Э.А. Книга и книжное дело в Узбекистане: Обзор и указ. источников лит-ры по книжному делу. (1875-1977гг.).- Т.: Узбекистан, 1988.- 67 с.

56. Есенбаев З.А., Ахунджанов Э.А. Здравствуй, книга!: Становление и развитие и современное состояние книгоиздательского дела, полиграфии и книжной торговли в Советском Узбекистане. 1917-1982гг.- Т.: Узбекистан, 1982.- 274 с.

57. Ахунджанов Э.А. Письмо и книга: Из истории письменности и рукописной книги в Средней Азии.- Т.: Узбекистан, 1983.- 75с.

Муаллифнинг 1989 йилда "Фан ҳақида суҳбатлар" сериясида чиққан "Қадимги ёзувлар"[58] рисоласида қадимги финикия ёзувлари, оромий, юнон, араб, турк ва бошқа шу сингари ёзувлар тизими, тарихи, уларнинг хусусиятлари, бизнинг давримизгача етиб келиши масалалари баён қилинган. Рисоланинг ўзбек тилида нашр қилиниши алоҳида аҳамиятлидир.

Э.Охунжоновнинг 1999 йили чоп қилинган "Ўрта Осиёда китоб тарихи ва китоб иши бўйича очерклар"[59] номли илмий асари муаллифнинг қарийб 15 йиллик меҳнатини умумлаштиради. Қадимги ва илк ўрта асрларда ёзув ва китоб иши тарихи, Ўрта Осиёда қоғоз ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши ва ривожланиши, қўлёзма ва тошбосма усулидаги китоблар, уларни кўпайтириш, кутубхоналар ва китобсеварлар, библиографиянинг пайдо бўлиши ва энг муҳим библиографик ишларнинг таҳлили, китоб савдоси ва китобфурушлар каби мавзулар муаллиф тадқиқотининг объекти ҳисобланади. Муаллиф томонидан бу муаммоларнинг деярли тўла ва ҳар томонлама таҳлил қилиниши, моҳияти ва аҳамиятининг очиб берилиши, Ўрта Осиё халқлари маънавий маданияти тарихининг таркибий қисми бўлган "китобшунослик" фанига қўшилган катта ҳиссадир. Шу сабабдан, асар қадимги маданиятимиз тарихи, унинг ажралмас қисми ҳисобланган ёзув тарихи, китоб ва китоб иши муаммолари, кутубхоначилик иши ва библиографиянинг вужудга келиши масалалари билан қизиқувчи барча тадқиқотчиларга тадқиқий база хизматини ўташи мумкин.

70-80 йилларда институт махсус кафедралари ўқитувчилари фаолиятининг фаоллашганлигини, уларнинг турли мазмундаги илмий-оммабоп мақолаларининг кутубхоначилик тўпламларида, шунингдек, марказий матбуотда чиқа бошлаганлигидан ҳам англаб олиш мумкин. Шу йилларда 1976 йилдан А.Навоий номидаги УДК томонидан чиқарила бошлаган "Ўзбекистон кутубхоналари" номли давомий нашрнинг роли

---

58. Охунжонов Э.О., Бошназаров Л. Қадимги ёзувлар. Охунжонов Э. Манбаларда ўлканинг тарихи.- Т.: Ўзбекистон, 1989.- 32б.

59. Ахунджанов Э.А. Очерки по истории книги, книжного дела в Средней Азии: Древность. Средние века.- Т.: Изд-во Ибн Сины, 1999.- 160 с.

кеттадир. Дастлаб илмий асарлар тўплами сифатида чиқарилиши мўлжалланган нашрнинг биринчи чиқарилишиданоқ республика кутубхоналари амалиётидаги илғор тажрибалар ҳақидаги хилма-хил мавзуларни тарғиб қилувчи минбарга айланди. Тўпланга материалларни танлаб олиш принципини белгилаб олиш жараёнида унинг номи "Кутубхоначилик иши назарияси ва амалиёти" тўплами, 7-чиқарилишидан бошлаб эса, "Кутубхоначилик иши назарияси ва амалиёти бўйича мақолалар тўплами" сарлавҳаси остида ва ниҳоят ҳозир эса, "Ўзбекистон кутубхонашунослиги: Кутубхоначилик иши назарияси ва амалиёти бўйича мақолалар тўплами" номи билан чиқарилмоқда.

Бу тўпламнинг деярли ҳар бир чиқарилишида институт ўқитувчиларининг Ўзбекистонда кутубхоначилик ишининг у ёки бу масаласига бағишланган назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган мақолалари эълон қилиниб борилади. Улардан баъзи бирларига тўхталиб ўтамиз.

Тўпламнинг 1977 йилги чиқарилишида ўша даврда А.Навоий номидаги ЎДК директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, 1978 йилдан ТошДМИ кутубхонашунослик кафедрасининг катта ўқитувчиси В.В. Соколованинг "А.Навоий номидаги ЎзССР Давлат кутубхонасининг илмий-методик фаолияти (1946-1969 йиллар)" деган мақоласи диққатга сазовордир. Унда урушдан кейинги йилларда республика кутубхоналарига услубий раҳбарлик қилишнинг ташкилий асослари, республиканинг бош кутубхонасида илмий-услубий бўлимнинг ташкил топиши, унинг кўп қиррали фаолияти баён қилинади. 1940 йилларда услубий ишларни кутубхонанинг ўзбек адабиёти ва ўлкашунослик, маълумотнома библиография ҳамда фонд бўлимлари амалга оширган бўлса, 1951 йил апрелидан бошлаб илмий ишлар бўйича директор ўринбосари бошчилигида доимий методик комиссия, 1955 йилдан эса К.И.Матипова мудирлигидаги илмий-методик бўлим йўлга солиб турган. Мақолада 60-йилларда амалга оширилган кутубхона тармоқларини тартибга солиш бўйича ўтказилган ташкилий-услубий тадбирлар, республика илмий-услубий ишларни мувофиқлаштириш органи бўлган ЎзССР Маданият Вазирлиги қошидаги Республика идоралараро Кенгаш,

унинг ички органи хисобланган А.Навоий номидаги кутубхонанинг бу соҳадаги фаолияти тўла ёритилади.

Тўпламнинг 1983 йилдаги 15- чиқарилишида ўша даврда янги ташкил қилинган "Кутубхона фондлари ва каталоглари" кафедрасининг мудири М.А.Раҳимова ва В.В.Соколоваларнинг "1960-1970 йилларда Ўзбекистон ССРдаги кутубхона шохобчаларининг тартибга солиниши" номли мақоласи ўз мазмуни жиҳатидан юқоридаги мақола билан ҳамоҳанг, ҳаттоки унинг давоми дейиш мумкин. Бу ерда республика кутубхона тармоқларининг тартибга солинишининг тугалланиши, унинг натижалари улароқ аҳолига кутубхона хизмати кўрсатишнинг яхшиланиши рақамлар билан исботланган.

Такрор бўлмаслиги учун (О.Пулдошев, М.И.Троицкая, К.М.Расулов ва М.М.Маҳмудов ҳақда бошқаларнинг мақолалари ҳақида гапирилган эди) тўпламнинг 1989 йилдаги Е.К.Беттернинг 100 йиллик юбилейига бағишланган сонидаги кутубхонашунослик кафедрасининг доценти Э.Ю.Охунжоновнинг "Е.К.Беттер китобшунос сифатида"[60], шунингдек доцент А.И.Корнилицининнинг "Е.К.Беттернинг Орол денгизи тадқиқотчиси адмирал А.И.Бутаков кундалиги устидаги ишлари"[61] деган мақолалари билан чекланамиз.

Э.Ю.Охунжонов ўз мақоласида кенгроқ олим Е.К.Беттер фаолиятининг яна бир қиррасини- унинг ўзбек тошбосма ва босма китоблари тарихининг билимдони сифатидаги ролини очиб беради. Е.К.Беттернинг "Ўзбекистонда китоб иши тарихидан: Биринчи ўзбек тошбосма китобнинг пайдо бўлишининг 70-йиллигига"[62] деган мақоласига таъриф берар экан, муаллиф ўз моҳияти билан совет китобшунослигида Ўрта Осиёда китоб босишнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўл-

---

60. Ахунджанов Э.А. Беттер как книговед // Биб-ние Узбекистана: Сб.статей, посв.100-летию со дня рождения Е.К.Беттера.-Т.: 1989.- С.10-14.

61. Корнилицин А.И. Работа Е.К.Беттера над дневником исследователя Аральского моря адмирала А.И.Бутакова // Биб-ние Узбекистана: Сб.статей посв.100-летию Е.К.Беттера.-Т.: 1989.-С.29-35.

62. Беттер Е.К. Из истории книжного дела в Узбекистане: К 70-летию появления первой Узбекской литографической книги // Известия АН УзССР,1951.- № 2.- С.75- 78.

ган кенг масалалар доирасини биринчи марта атрофлича тадқиқ қилган ва [illegible] баҳо беради.

А.И.Коримжоннинг мақоласида Е.К.Бетгернинг Орол денгизи ҳавзасининг биринчи тадқиқотчиси А.И.Бутаков экспедицияси (1849-1852 йиллар) тафсилотлари ва унинг ашёвий далили ҳисобланган кундалик ёзмаларини ўрганиш натижасида тарихий ҳақиқатнинг қандай тикланганлигини билиб оламиз. Жумладан, расмий маълумотларга кўра рус география фани тарихида Орол денгизи ҳавзасининг биринчи тадқиқотчиси А.И.Макшеев ҳисобланади. Е.К.Бетгер А.Навоий номидаги ЎДКда 1907 йилдан бери сақланаётган А.И.Бутаковнинг кундалик дафтари ёзмалари матнини ўрганиш ва бошқа ҳужжатлар билан таққослаш асосида А.И.Макшеевнинг А.И.Бутаков ишларидан фойдаланганлигини аниқлайди. Шунингдек, Е.К.Бетгер тадқиқоти орқали биз биринчи марта буюк украин шоири ва рассоми Т.Г.Шевченко ҳақида, унинг Орол бўйидаги турмуши, унинг А.И.Бутаков билан муносабатлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўламиз.[62]

Аталмиш даврда институт ўқитувчилари ўз муаммолари билан марказий матбуотда ҳам чиқа бошлаганлигини юқорида қайд қилган эдик. Масалан, О.Қосимованинг "Кутубхоначилик-библиографик муассасаларда илмий-тадқиқот ишларининг тараққиёти" (1975 й.)[63], В.В.Соколованинг Ўзбекистон кутубхоналарида илмий-услубий ишларни такомиллаштириш (1975 й.)[64], Г.Н.Ҳакимовнинг Ўзбекистонда кутубхоначилик иши қурилиши (1976 й.)[65], О.Қосимова ва И.М.Троицкаяларнинг "Ўзбекистон кутубхоналари" тўпламини яхшилаш йўллари (1982 й.)[66], И.А.Зупарова ва И.И.Каттахўжаеваларнинг КБК жадвалларини жорий этиш тўғрисидаги (1984 й.)[67] илмий оммабоп мақолалари ва бошқа

---

63. Касимова А.Г. Развитие научно-исследовательской работы библиотечно-библиографических учреждениях УзССР //Сов. биб-ние, 1975.- № 3.- С.37-46.

64. Соколова В.В. Совершенствование методической работы библиотек Узбекистана // Там же.- 1976.- № 4.- С.65-74.

65. Хакимов Г.Н. Библиотечное строительство в Узбекистане // Там же. 1976.- № 6.- С.33-39.

66. Касимова А.Г., Троицкая И.М. Пути улучшения сборника "Библиотеки Узбекистана" // Там же.- 1982.- № 6.- С.75-76.

ўлаб тақризлар, ахборотлар шулар жумласидандир.

"Ўзбекистон кутубхонашунослиги..." тўплами ва марказий матбуотда эълон қилинган мақолалар таҳлили шуни кўрсатадики, муаллифлар республикада кутубхоначилик иши тараққиётининг маълум давридаги асосий муаммолари бўлган кутубхоналарнинг илмий-услубий фаолияти, кутубхона тармоқларини тартибга солиш, кутубхоналарда илғор тажрибалар, уларни ўрганиш ва оммалаштириш, кутубхоначилик илмий-тадқиқот ишлари ва уларни ташкил қилиш, республикада кутубхоначилик қурилишининг асосий масалалари, кутубхоначилик муассасалари фаолиятини уйғунлаштириш ва мувофиқлаштириш муаммоларини атрофлича ўрганишган, бошқа ҳамкасбалари билан ўртоқлашганлар, муаммоларни биргаликда ҳал этишга чақирганлар.

Бу босқичнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, институт ўқитувчилари республикада ва ундан ташқарида ўтказилган халқаро анжуманларда ҳам иштирок этиб, ўз маърузалари билан чиқдилар. Шундай анжуманлардан бири 1990 йил Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган "Шарқ халқлари маданияти тараққиётида китоб: тарихи ва ҳозирги аҳволи"[68] номли халқаро илмий-назарий анжумандир. Анжуман қатнашчилари кутубхоначилик-библиография ҳамда китобшуносликнинг умумназарий муаммоларига эътиборни қаратиб, шарқ халқлари маданияти тараққиётида китоб ва кутубхонанинг ролини қадим замонлардан ҳозирги кунгача бўлган даврларда очиб беришга ҳаракат қилганлар. Бу анжуманда А.Қодирий номидаги ТошДМИдан Э.Охунжонов "Ўрта Осиёда қўлёзма даврида "китоб — китоб иши" тизимининг шаклланиши", Н.А.Зуфарова "Ўрта Осиё қўлёзма ва эски босмадаги китобларнинг ягона фондини барпо қилиш тўғрисида", Х.М.Муминхўжаева "Иттифоқдош республика илмий кутубхоналарининг миллий кутубхоначилик фондини шакллантириш тўғрисида", М.М.Неъматова "Тошкент маданият

---

67. Зуфарова Н.А., Каттаходжаева И.М. Ход внедрения таблиц ББК в ЦБС Узбекистана // Ўша жойда.- 1984, № 1.- С.91-96.

68. Книга в развитии культуры народов Востока: история и современность / Материалы международной конференции.- Душанбе: Ирфон, 1990. 250 с.

институтида олий малакали кутубхоначи-мутахассисларнинг тайёрланиши"; Н.Усанов "Ўзбекистон ССРда кутубхона ходимларининг малакасини ошириш масаласининг айрим муаммолари", Е.Розиқова "Ўзбекистонда мактаб кутубхоналари учун кадрлар тайёрлаш" каби маърузалари билан қатнашдилар.[3]

Кейин қилинганлардан ўзининг кенг қамровли муаммолари; минтақа халқларининг орзу-умидини акс эттириши, келажак авлод олдида қадимги қадриятларимизни тиклаш орзусини рўёбга чиқаришга йўл очиши билан бошқалардан ажралиб турган М.А.Зуперованинг мақоласига тўхталмоқчимиз. Октябрь инқилоби ва унинг "меваси" ўлароқ, ягона Турон ўлкасининг сунъий равишда миллий республикаларга бўлиниши ва бир неча марта алифбонинг ўзгариши натижасида бу ердаги халқлар ўзининг азалий хати, ёзуви, китобларидан, VIII-IX асрлардан кейин эса араб имлосида битилган жаҳонга танилган олимлари, донишмандларининг асрлар давомида яратган маънавий хазиналаридан қўл узиб қолган эди.[4]

Муаллиф ўз тадқиқотида аниқ шу тарихий адолатсизликни тиклаш учун ҳаракат етилганлигини, бунинг учун яна туронияликлар биргаликда ўтмиш жавоҳирлари ҳисобланган қўлёзма ва эски ёзувдаги китобларнинг ягона жамғармасини барпо қилишнинг йўлларини кўрсатиб берди. Бу ишни энг аввало ҳар бир республиканинг шундай нашрлари мавжуд айрим кутубхоналари бўйича, сўнгра тармоқлараро, ундан кейин республикалараро ва ниҳоят, ёндош бошқа давлатлар (масалан, Афғонистон, Ҳиндистон, Хитой, Мўғулистон, Эрон) кутубхоналари жамғармасига йиғма каталоглар тузишдан бошлаш зарурлигини таъкидлайди. Шу билан боғлиқ яна бир муаммо кутубхоначиларнинг бу ишда фаол қатнашмоқлари, айниқса шу нодир ягона жамғарманинг ҳали ўрганилмаган қисмини тадқиқотчилар диққатига ҳавола этмоқлари учун араб имлосини билишлари тарихий зарурат эканлигига ҳамда бу соҳада барқарор давлат сиёсати бўлиши зарурлигига ишорат қилади.[5]

Анжуманда қатнашган бошқа муаллифларнинг маърузаларида (тўғрироғи маъруза матнларида) афсуски бундай чуқур маъно, теран фикрларни учратмадик. Масалан, Д.Муминхўжаеванинг ("Кутубхона жамғармалари ва каталоглари" кафедра ўқитувчиси) маърузасида аввалдан маълум бўлган ва барча мутахассислар тан олган миллий кутубхона функциясини "кашф" қилишга ҳаракат қилиниб, қайта қуриш билан боғлиқ бўлган янгича шароитда Иттифоқдош республикалар давлат кутубхоналарини миллий кутубхонага айлантиришни муаммо сифатида қаралади. Бизнингча, бу масала собиқ Иттифоқ даврида деярли тўла ечилган муаммо бўлиб, иттифоқдош республикалар Давлат кутубхоналари гарчи "миллий кутубхона" деб аталмаса ҳам улар шу республиканинг миллий кутубхонаси сифатида муаллиф қайта-қайта таъкидлаётган бепул мажбурий нусха олиш, миллий адабиётлар жамғармасини барпо қилиш, ўлкашунослик адабиётларини тўплаш хеч кимга сир эмас эди.

М.И.Неъматова, Н.Усмонов, Ё.Розиқоваларнинг маърузалари матнлари ҳам худди шунга ўхшаш, бирорта янгилик ёки муаммонинг ўзи йўқ. Ҳатто, ўзи солиб ўқиган кишилар улардаги бир-бирини инкор қилган фикрларни, чалкаш рақамларни бирдан англаб олиши мумкин. Албатта, бу камчиликлар ёш тадқиқотчиларга тааллуқли бўлганлиги сабабли кечирилади, аммо бундай ҳолларда анжуманларга чиқишдан олдин маърузалар (ёки уларнинг матнлари) кафедра мажлисида муҳокама қилиниб, тавсия қилинса ҳамда улар раҳбарлари томонидан синчиклаб кўриб чиқилса нур устига аъло нур бўлар эди.

Умуман, бундай ишларда институт илмий ишлар бўлими катта имкониятга эга, сабаби шундай анжуманлар, уларнинг дастури, таклифномалари аввало шу бўлимга келиб тушади ва тегишли тавсияномалар, қўлланмалар фақат шу бўлим фатвоси билан мумкин бўлади. Шундай экан, тайёрланган маърузалар, уларнинг илмий-амалий даражаси ва сифати бевосита институт шаънига, унинг раҳбарияти обрўсига таъсир қилади.

Шу сўзлар билан республикада кутубхонашунослик фани ва кутубхоначилик иши тараққиётининг 1975–1990 йиллардаги аҳволига на-

зердан кечирер эканикз, тадқиқотчилар бу даврда кутубхонашунос-ликнинг асосий масаласи бўлган кутубхоналарнинг ижтимоий ролини аниқлашга ҳаракат қилганликларини таъкидлаш зарур. Гарчи, улар ўз тадқиқотларида бу масалага қисман ёндошган бўлсаларда, кутуб-хоначилик амалиётининг назарий асосларини ишлаб чиқишда маълум ютуқларга эришдилар.[69] Сабаби айнан кутубхоналарнинг ижтимоий роли тўғрисида хилма-хил ва қарама-қарши нуқтаи назарнинг[70] пайдо бўлишининг ўзи республикада кутубхонашунослик фани юксалишида эканлигини кўрсатади.

